**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

# “ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ”

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В –У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

Тузувчи: проф. Б.А.Кощанов

**НУКУС - 2020**

МУНДАРИЖА

1. **Ишчи ўқув дастури**
2. **Маъруза матнлари**
3. **Амалий машғулот учун материаллар, топшириқлар ва уларни ўтказиш бўйича тавсиялар**
4. **Мустақил таълим мавзулари**
5. **Ассисмент топшириқлари**
6. **Тест топшириқлари**
7. **Битирув ишлари учун мавзулар**
8. **Ҳар бир мавзу бўйича слайдлар**
9. **Глоссарий**
10. **Адабиётлар рўйхати**
11. **Мутахассис томонидан берилган тақриз**

# ИШЧИ ДАСТУР

## I. Модулнинг мақсади ва вазифаси

“Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари” фанининг мақсади - тингловчиларга ўқитиш сирларини, бу фан бўйича билим, малака ва кўникмага эришишнинг энг самарали ва оптимал йўлларини ўргатиш;

Давлатимиз раҳбарининг асарлари асосида мамлакатимизда шаклланаётган янгича тафаккур ва дунёқарашнинг маъно-мазмунини халқимизнинг истиқлолга эришиш жараёни, Ўзбекистон танлаб олган миллий тараққиёт моделининг моҳияти, уни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнига хос қонуниятлар ва хусусиятларни чуқур фалсафий таҳлил қилиш, ёш авлоднинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояларини, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдиришдан иборатдир.

“Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари” фанининг вазифаси - Президентимиз асарлари асосида истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган стратегик вазифаларни миллий ғоя контекстида фалсафий англаш, бу жараённинг таркибий қисми Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва ривожланиш стратегиясининг мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини асослашдан иборат.

## II. Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар **“**Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари**”** модулини ўзлаштириш орқали қўйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;

- 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- Президентимиз асарлари асосида ижтимоий воқеликда кечаётган жараёнларни фалсафий мушоҳада этиш;
- нарса-ходисаларни илмийлик ва мантиқийлик асосида ўрганиш, мустақил ва замонавий фикрлаш;
- кундалик фаолиятда атрофда рўй бераётган жараёнларга нисбатан ўзига хос малака ва кўникмаларни шакллантириш;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;

- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**тингловчи:**

– Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлиб, қадимийлиги ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туриши, ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги шаклланиши ва ривожланиши, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини;

– Ўзбекистон тарихининг асосий даврлари ва юртимиз тараққиётининг тадрижий босқичлари, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини ва давомийлигини, тарихий воқеаларнинг изчиллиги ва босқичма-босқич ривожланишини;

– мустамлакачилик ва қарамлик даврларида Ўзбекистон турли соҳалар бўйича қолоқликка юз тутиши ва бунинг салбий оқибатларини;

– ўзбек халқининг турли даврларда истилочиларга ва мустабид тузумга қарши миллий озодлик курашлари, унинг ватанпарварлик, жасорат ва матонат фазилатларини;

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг назарий ва амалий таълимоти –

тарққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, бу борадаги ютуқларини, истиқбол режаларини ***билиши*** керак;

**тингловчи:**

– Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири, Ватанимиз нақадар қадимий ва бой тарихга эга эканини, бу тарихнинг яратувчиси, унинг ҳақиқий эгаси ҳам шу заминда яшаётган халқ эканини англаб тарихий тафаккурга эга бўлиши, тарихий ҳақиқатни бугунги кун билан солиштириш;

– “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган тамойилга таяниб бугунги кунга баҳо бериш, келажак йўлини тўғри танлай олишни ўргатиш;

– ўз она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб билиш ва ундан ғурурланиш ҳиссига эга бўлиш ва буни ўзининг амалий ишларида намоён этиш;

– ажодларимизнинг тарихий меросни ўқиб-ўрганиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим;

**тингловчи:**

– тарихий воқеа ва ҳодисаларни таққослаш орқали улардан ўзи, жамият учун муҳим хулосалар чиқариш, бугунги эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш;

– жамият тараққиётида халқнинг, сиёсий йўлбошчиларнинг ўрни ва аҳамиятини англаб, уларга ҳаққоний баҳо бериш;

– турли хавф-хатарларнинг зарарини тушунтира бера олиш, тарихий мисоллар асосида маърифий тарғибот юритиш;

– халқнинг савиясини оширишга интилиш;

– тарихий воқеалар ва ҳодисалар бўйича оғзаки ва ёзма нутқ орқали, адабий тил қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш;

– илмий асосланган, мустақил фикрига эга бўлиш ва уларга онгли муносабат билдира олиш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур;

**тингловчи:**

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарларида мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал асосларини ўрганиш;

-Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, унинг мазмун ва моҳиятини такомиллаштириш;

-Амир Темур даврида ўзбек давлатчилигининг юксалишини таҳлиллаш;

-Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамиятини таҳлил қила олиш каби ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

## III. Модулнинг ўқув режедаги бошқа фанлар билан боғликлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури"да таълимнинг ижтимоийлашуви бўлимида кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашини бойитиш, уларда ижтимоий жараёнларга бўлган муносабатни қарор топтиришнинг назарий ва методологик масалаларининг ривожланиш стратегияси билан боғлиқ ҳолда ўқитилади. Мазкур фан ўқув режасидаги: инсон ва жамият хаёти ва фаолиятини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар фанлар – "фалсафа", "тарих", "психология", "социология", "педагогика", "ғоялар фалсафаси каби фанлар билан алоқадор.

## IV. Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таьлим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## V. Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустақил таълим |
| | | | Жами | Жумладан | | | |
| | | | | Назарий | Амалий | Кўчма машғулот | |
| 1 | “Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёевнинг асарлари Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари сифатида. | | 4 | 2 | 2 | | |
| 2 | 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, унинг босқичлари. Иқтисодий ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари. | | 6 | 2 | 2 | 2 | |
| 3 | Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларидаги назарий концептуал масалалар | | 4 | 2 | 2 | | |
| 5 | Ўзбекистон ташқи сиёсатининг назарий концептуал асослари. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг назарий асоси бўлган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининининг жаҳон ҳамжамиятида тан олиниши | | 2 | | 2 | | |
| | **Жами** | | **16** | **6** | **8** | **2** | |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари сифатида. Ислоҳот тушунчаси. Ўтиш даври тушунчасининг назарий концептуал асослари. “Ўзбек модели”. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, унинг босқичлари. Иқтисодий ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари. Иқтисодий ислоҳотларнинг моддий-техникавий базасининг яратилиши. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.

Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар. Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ва унинг босқичлари. Маънавиятни юксалтириш масалалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида назарий концептуал масалалар.

Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари. Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Унинг назарий асослари ва амалий натижалари.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг назарий концептуал асослари. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг назарий асоси бўлган “ўзбек модели” ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг жаҳон ҳамжамиятида тан олиниши.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ

Амалий машғулотларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра суҳбати” ва бошқа таълим методларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши,

маърузалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари сифатида.
2. Ўтиш даври тушунчасининг назарий концептуал асослари. “Ўзбек модели”. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, унинг босқичлари.
4. Иқтисодий ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари.
5. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.
6. Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари.

8. Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари.

9. Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.

10. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг назарий концептуал асослари.

**Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:**

**Раҳбарий адабиётлар:**


1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б. (.pdf 17.6Mb)

2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б. (.pdf 32.5Mb)

3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б (.pdf 22 Mb.).

4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида

сўзлаган нутқлари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б (.pdf 214 Mb).

5. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь //www.press-service.uz

7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 29 декабрь //www.press-service.uz

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №2909-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
7. 2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури. 2019 йил 17 январ.

**Асосий адабиётлар:**


1. Глобаллашув, модернизация ва толерантлик: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2009.
2. Жураев Т., Акобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. Т.: Академия, 2007.
3. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг ғоявий-мафкуравий масалалари. Т.: Маънавият, 2007.
4. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.Т.: Ўзбекистон 2007
5. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. –Т. : Университет, 2001.
6. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.-Т.: Ўзбекистон, 2004.
7. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. Т.: Муҳаррир, 2009.
8. Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида. . Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
9. Тоғаев Ш. Миллий ғоянинг давлат ва жамият қурилишига доир мазмунини ёритиш масаласи. Т.: 2007
10. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. Т.: Маънавият, 2008.
11. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси.Т., Tafakkur, 2009.

12. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. -Т.: Fan va texnologialar, 2003.

13. Ғойибназаров Ш. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўли. –Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б. 64.

14. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. –Тошкент: O'zbekiston, 2010. – 256 б.

15. Рахимов М.А. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – С. 230.

16. Рахимов М., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. –Ташкент: Адабиёт учқунлари, 2016. –С. 352.

17. Бекмуродов М., Қуронбоев Қ., Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари – Т.: Ғофур Ғулом, 2017.

18. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик. –Т.: "Ўзбекистон", 2013

19. Жуманиёзов Х., Собирова М., Нигманова У. Глобаллашув асослари. – Т.: Навруз, 2015.

## МАЪРУЗА МАТНИ

## 1-МАВЗУ. “Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Режа:

1. Фан предмети, мақсад ва вазифалари. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.И.Мирзиёевнинг асарлари Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари сифатида.
3. Тараққиётнинг “ўзбек модели”.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, ислоҳотлар, И.А.Каримов, Ш.И.Мирзиёев, “Ўзбек модели”, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши, давлат бош ислоҳотчи, қонунларга риоя этиш, кучли ижтимоий сиёсат, «инқилобий сакраш», эволюцион йўл.

### 1. ФАН ПРЕДМЕТИ, МАКСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. ФАННИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси, ўз мустақиллигига эришгач, замонавий ижтимоий ва иқтисодий мурасабатлар тизимини барпо этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу устивор йўналишдаги амалга оширилган жадал ҳаракатларнинг ва туб ислоҳотларнинг тарихий тажрибасини атрофлича ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш масаласи ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, тақдим этилаётган фан назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳамда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, уларда мустақил фикрни қарор топтириш, тарихни мукаммал даражада билиш, мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топиш каби долзарб масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Шунингдек, тақдим этилган фан ҳақидаги билимларни қарор топшириш, мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор

тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Фан дастури асосида эгалланган билимлар ёш авлодни аввало мустақил фикрлаш, воқелик ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва унда тегишли хулосалар чиқаришга ўргатади. Бўлажак мутахассислар қаерда фаолият кўрсатишидан қатъий назар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйишга ҳаракат қиладилар. Бу холат ҳар бир ёш мутахассисни жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам бериб, меҳнат самарадорлигинини ошириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон тарихининг ўта қизиқарли ва мураккаб жараёнларида мустақиллик йилларидаги ижтимоий ва иқтисодий тариққиётнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлганлиги, унинг эволюциясида мавжуд бўлган босқичлар, тамойиллар, йўналишлар, қонуниятларнинг ўзига хос эканлиги тўғрисида талабаларга чуқур билимлар бериш ўқув фанининг асосий мақсадидир.

Ушбу мақсади эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ички ва ташқи омилларнинг таъсирини очиб бериш;
- Ижтимоий - иқтисодий тараққиёт ва халқаро алоқалар ўртасидаги боғлиқлик томонларини атрофлича тахлил этиш;
- Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишидаги асосий тенденцияларни кўрсатиб бериш;
- Ўзбек халқининг ўзига хос маданияти, менталитети, урф-одатлари ва анъаналарининг, жуғрофий-стратегик салоҳиятининг мустақил ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига таъсирини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистоннинг мустақил ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнаган асосий тарихий воқеалар ва жараёнларни ёритиб бериш.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ички ва ташқи омилларнинг таъсирини очиб бериш бажарилди. Ижтимоий - иқтисодий тараққиёт ва халқаро алоқалар ўртасидаги боғлиқлик томонларини атрофлича тахлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлган одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Кенг жамоатчиликнинг катта қизиқиши ва алоҳида эътиборига сазовор бўлган **“Ҳаракатлар стратегияси”**Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида концептуал аҳамиятга эгалиги билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, айниқса, фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган сиёсий партияларнинг фаоллари, қолаверса, жамоатчилик вакиллари томонидан муҳокама этилиши мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг амалдаги ҳаётий кўриниши, деб эътироф этиш ўринли бўлади. Бир сўз билан айтганда, “Ҳаракатлар стратегияси”нинг муҳокамага чиқарилиши — халқ билан мулоқотнинг ниҳоятда ҳаётий, ёркин ифодасидир.

Ушбу том маънодаги тарихий ҳужжатнинг аҳамияти нимада?

**Биринчидан,** Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси” давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради.

**Иккинчидан,** “Ҳаракатлар стратегияси” Конституциямизнинг асосий демократик нормаларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида демократик янгиланиши ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир.

**Учинчидан,** ўз моҳият эътиборига кўра, “Ҳаракатлар стратегияси” дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий стратегиясидир.

**Тўртинчидан,** ҳаммамиз гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлганимиз "Ҳаракатлар стратегияси"нинг жонли ва қизғин жамоатчилик муҳокамаси бугунги замон талабига мос равишда энг янги информацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда олиб борилди. Бу унинг тўлақонли муҳокамаси учун асос бўлиб хизмат қилди. Кўплаб мутахассислардан қанчадан-қанча амалий таклиф-мулоҳазалар келиб тушди. Мен бу ўринда интернет орқали келиб тушган фикрларни ҳам назарда тутаяпман. Энг муҳими, бу таклифларнинг асослиларидан бир қанчаси эътиборга олинганлиги алоҳида эътирофга сазовор.

"Ҳаракатлар стратегияси"ни изчил ва тизимли амалга оширишда учта муҳим принципга эътиборни қаратиш лозим.

**Биринчи принцип:** "Ҳаракатлар стратегияси" биз танлаб олган ва Биринчи

Президентимиз асос солган ҳамда бутун дунё тан олган тараққиётнинг "ўзбек модели"нинг мантиқий давомидир.

Шу маънода "Ҳаракатлар стратегияси" ўзининг босқичма-босқичлиги, изчиллиги ва тадрижийлигини сақлаб қолади.

**Иккинчи принцип:** "Ҳаракатлар стратегияси"да бешта устувор йўналиш, яъни Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар узвий боғлиқ эканлиги ва бир-бирини тақозо этишини аниқ ва равшан англаш лозим.

**Учинчи принцип:** "Ҳаракатлар стратегияси" маъно-мазмуни содда ва тушунарли, ҳар бир фуқаро учун амалий иш дастурига айланмоғи керак.

“Ҳаракатлар стратегияси”да Президент Парламент аъзоларига кенг кўламли қонунчилик дастурини таклиф этмоқда. Юқорида санаб ўтилган бешта муҳим устувор йўналишда қабул қилиниши зарур бўлган қонун ижодкорлигига ҳар томонлама катта масъулият билан ёндашишимиз талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Ҳаракатлар стратегияси” ўз моҳиятига кўра давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича бошланган кенг кўламли ва тизимли ислоҳотларни янада изчил давом эттириш, юртимизда юз бераётган ўзгаришларга янгича нигоҳ билан қараш, эришилган ютуқларга холисона баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиш ва уларнинг ечимини топиш имконини беради.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИШ.М.МИРЗИЁЕВНИНГ АСАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ СИФАТИДА

Биринчи Президент И.А.Каримов Олий Кенгашнинг 1992 йил, 4 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида шундай деган эди: «Менга қандай юксак масъулият юкланганини ҳис қилган ҳолда халқнинг муносиб турмуш кечириши учун қандай йўллар танлаганимиз ҳақида баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоқчиман. Халқ иқтисодиётни барқарорлаштириш учун қатъий ҳаракатлар қилишни кутяпти. Утмиш қолдиқлари халқ елкасига оғир юк бўлиб қолган. Энг муҳим вазифалардан бири халқнинг бахтли ҳаётини таъминлашдир.  Биринчи Президент шиддат билан кириб келаётган бозор зарбаларига бардош берувчи, ёрдамга муҳтож кишиларни ўз ҳомийлигига олиши керак. Булар – кўпболали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар... Бундан кейин ҳам биз учун шу тамойил қатъий бўлиб қолаверади».

Биринчи Президент Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида Дастур аҳамиятига молик бўлган давлат сиёсатининг стратегиясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Табиийки, ушбу қоидалар Ўзбекистон истиклоли ва тараққиётининг асосий йўлларини белгилаб бериш учун асос бўлиб хизмат

қилди. Масалага ана шундай ёндашиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ аниқ тартиб-интизомга риоя қилиш, қонун устиворлигига интилиш мамлакатда энг мураккаб пайтларда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Давлат Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айни чоқда 90-йиллар бошларида, яъни мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқур таҳлил қилди. Шу асосда сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир,– деган хулосага келди.

И.Каримов 1992 йил, 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида «Истиқлол йўллари ва муаммолари» мавзуида нутқ сўзлар экан, «Биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишилар-нинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз,» – деди ва туб ислоҳот-ларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилини белгилаб берди.

Биринчи Президент шундай деди: «Халқимизнинг 60 ва ҳатто ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди. Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак. Хулоса шуки, қишлоқ жойда ва район марказларида мавжуд бўлган ортиқча ишчи кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас, балки янги, ихчам, замонавий корхоналарни қишлоқ жойларига, район марказларига олиб бориб қуришимиз зарур. Содда қилиб айтганда, одамларни ишхонага эмас, ишхонани одамларга яқинлаштириш лозим»

Биринчи Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида: давлатнинг ислоҳотларни ўтказишдаги бунёдкорлик роли; жамиятнинг моддий, маънавий ва ижтимоий имкониятларини сафарбар этиш; ўрта ҳол синфни шакллантириш; халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалалари сўз этилди.

И. Каримов тараққиётнинг Ўзбекистон учун мақбул йўлини ишлаб чиқар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай мазмун касб этишига эътибор берди ва унинг фикрича, Узбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан ва у қандай номланишидан қатъи назар адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим эди.

Иқтисодий соҳада миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишни; ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни; мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топдиришни; иқтисодиётни ўта марказлаштирмасдан корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни;

ижтимоий соҳада инсонпарварлик ғояларига содикдикни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини; маънавиятни қайта тиклашни; ўзбек тилини ривожлантиришни; ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топ-тиришни; ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари – кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлашни; одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилишни вазифа этиб куйдилар.

“Ҳаракатлар стратегияси”да мужассам этилган энг муҳим жиҳатлар ўз мазмунига асосан, дунёда кескин ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда

давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва тинчлик-фаровонлик, осойишта ҳаёт, хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ муддатга мўлжалланган том маънодаги дастур ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, айни шу йўналишлар бугунги глобаллашув жараёни, тобора чуқурлашиб бораётган мураккаб геосиёсий вазият, айниқса, халқаро майдонда баъзи бир мамлакатларнинг фақатгина ўз манфаатлари нуқтаи назаридан туриб сиёсат юритиши, инсоният ҳар қадамда дуч келаётган терроризмнинг глобал характери, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик инсоният тараққиётига жиддий таҳдид солиб турган мураккаб замонда Ўзбекистон манфаати, демак халқимиз манфаати учун долзарб аҳамиятга эга.

У беш босқичда, келгуси беш йилда юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

“Ҳаракатлар стратегияси”нинг дастлабки йўналиши “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”, деб номланган бўлиб, унда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш белгиланган.

Ўзбекистонда ривожланган кўппартиявийлик тизими вужудга келганлигини, ёки бўлмаса сиёсий маданиятга эга бўлган сайловчиларнинг шаклланганлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бориб, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда дахлдорлик туйғуси пайдо бўлиб, мана шундай муҳим ислоҳотларнинг иштирокчисига айланиб бормоқда. Мен нима учун буни шу ўринда таъкидлаб ўтаяпман. Сабаби, мана шу “Ҳаракатлар стратегияси”ни муҳокама қилиш жараёнида ҳам сиёсий партиялар вакиллари, фаоллари фаол

иштирок этишди. Жамиятда кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши ва бевосита фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бирига айланган сиёсий партиялар орқали халқимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кўлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб, босқичма-босқич амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларга жуда катта ваколат ва имкониятлар берилмоқда. Масалага қонунчиликда белгилаб берилган мана шу ваколат нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, табиийки, бугун фуқаролик жамияти институтлари орасида, айниқса, энг таъсирчан институтлардан бири бўлган сиёсий партиялар олдида жуда катта масъулият турганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Бундай ўта муҳим вазифани адо этиш, ўз-ўзидан ёки осонлик билан кечадиган жараён бўлмай, балки сиёсий партиялар халқнинг илғор қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган янада мукаммал ҳаракат дастурига ва ҳаётий ташаббусларига эга бўлиши лозим.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, деган фикрлари фаолиятимизда муҳим мезонга айланди. Зеро, соҳамиз ходимларининг зиммасидаги вазифаларни бажаришга катта масъулият билан ёндашиши, ишларни қонуний муддатларда кўриб чиқиб, адолатли ва асосли қарорлар қабул қилиши бугунги кун талабидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини

шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бундай чора-тадбирлар судларнинг одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада оширади.

Сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатлари кенгайтирилиши ҳам соҳада сезиларли ютуқларга йўл очади.

## 3. ТАРАКИЁТНИНГ УЗБЕК МОДЕЛИ

И.Каримов мамлакатнинг дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида қуйидаги бешта асосий қоидани ўртага ташлади:

**Биринчидан**, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш керак.

**Иккинчидан**, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиш лозим. У ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

**Учинчидан**, **қ**онун, қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

**Тўртинчидан**, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Бешинчидан**, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, яқин ўтмишимиздаги «инқилобий сакраш»ларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ана шу муҳим қоидалар Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинди, янги жамиятга ўтиш даврининг негизини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлади.

Ўзбекистон ҳукуматининг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги тамойили вақт ўтгани сайин ўзининг ҳаётий қийматини, сиёсий кучини кўрсатди. Бинобарин, булар етакчи тамойиллар сифатида тан олинди. Чунки улар иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ички мантиғини, ривожланиш йўли-ни ва характерини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши бир томондан, аввалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди, иккинчи томондан эса ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиб берди. Бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди. Аникроғи, бу тамойил «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик» ҳақидаги халқнинг доно фикрига асосланганини кўрсатади.

Хусусан, жаҳон жамоатчилиги томонидан атрофлича ўрганилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга доир бешта тамойил аҳамиятига яна бир

бор тўхталди. Ҳусусан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон учун нақадар афзалликларига алоҳида урғу берди. Жумладан, «бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин, - дейди И. Каримов. Хар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислоҳотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз.

Ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик.

Дастлабки якунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устивор йўналишларини белгилаш зарур». Шунинг учун И. Каримов ушбу китобнинг иккинчи қисмида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар – хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларини белгилаб берди.

Жумладан, унинг фикрича, мазкур масаланинг устивор йўналишлари қуйидагича бўлмоғи лозим эди:

биринчидан, иқтисодий сиёсатда деҳқончиликка, умумай қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараш;

иккинчидан, миллий валютани жорий қилиш, унинг қадрини муттасил ошириб бориш;

учинчидан, мулкчиликнинг барча шаклларига эрк бериш, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка йўл очиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, иқтисодни жонлаштириш учун корхоналарни хусусийлаштириш, бу жараённи тобора чуқурлаштириш;

бешинчидан, ўтиш маданияти ва қадриятларини тиклаш ишларини йўлга қўйиш ва бу борада изчил тадбирларни амалга ошириш мустақил Ўзбекистонда давлат мустақиллигини амалга оширишнинг жамият ривожининг ҳозирги босқичидаги устивор йўналишларидир.

Ҳаётбахшислоҳотларнинг янги босқичида ижтимоий соҳа ва иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келаётган йўналишлардан бири саналади.

Бу ўринда "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани келажакда ушбу йўналишлардаги ишларга талаб кескин ортиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид ислоҳотлар бардавом бўлишидан далолатдир.

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, иқтисодиёт ва саноқт тармоқларида муқим янги иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳолининг реал даромадлари ва фаровонлигини босқичма босқич ошириш, арзон уй-жойлар қуриш, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан тизимларини тубдан такомиллаштириш борасидаги аниқ мақсад-вазифалар белгилаб берилмоқда.

Концептуал характерга эга бўлган мазкур ҳужжатнинг иккинчи йўналиши, яъни қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бунда фуқаролик жамиятида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатишни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш вазифаси акс этган. Гап шундаки, бу йўналишда белгиланган тадбирларнинг аксарияти қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш тарзида ижро этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари, жумладан, ҳокимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда бугунги кунгача ҳам ишлаб чиқилмаган давлат хизматчилари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилишдек

давлат хизмати ўташнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутади. Демак, бу қонун ижодкорлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясига мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилган.

Лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилди. Лойиҳалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди. Натижада кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Юртдошларимиз юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислоҳотларга бефарқ эмасликларини намоён қилди. Натижада ҳар жиҳатдан пишиқ ва пухта ишланган ҳужжат қабул қилинди. Бу мамлакатимизни янада ривожлантиришда ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқарувини модернизация қилиш ва демократлаштириш, давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат бошқаруви соҳасида замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратаётгани ўз ифодасини топган.

## САВОЛЛАР

1. Жаҳондаги ўткарилган ислоҳотлар тарихидан қисқача маълумот беринг
2. Ўзбекистоннинг мустақилликка карай йули босқичларини сифатлаф беринг
3. Хар кил давлатларнинг ривожланиш моделлари хакида маълумот беринг

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.– 364 б.

2. Левитин Л., Дональд С.Корлайл. Ислом Каримов – Янги Ўзбекистон Президенти. Т., Ўзбекистон, 1996.

3. Тараққиётнинг ўзбек модели. – Т.:«Ижод дунёси», 2002 йил.

4. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.:“Шарқ”, 2006.

**4. Электрон таълим ресурслари:**

1. www. Ziyo net.uz.
2. www.gov.uz

## 2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР, УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

## РЕЖА

1.Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, унинг босқичлари.

2.Иқтисодий ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари.

3.Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари.

4.Иқтисодий ислоҳотларнинг моддий-техникавий базасининг яратилиши.

5.Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.

**Калит сўзлар:** макроиқтисодий барқарорлик, хусусийлаштириш, рақобат, миллий валюта, ижтимоий кафолатлар, халқ истеъмоли моллари, иқтисодий интеграция, капитал сармоялар, инвестициялар, меҳнат захиралари, экспорт стратегияси, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар

### 1.ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР, УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистондаги амалга оширилган туб ислоҳотлар ҳар томонлама барқарорликни таъминлашга, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишга қаратилди. Мустақиллик йилларида мамлакат хукуматининг иқтисодий стратегияси асосан энг муҳим уч вазифани ҳал этишга йўналтирилди:

1.Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш;

2.Иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш;

3.Барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратиш.

Ўзбекистонда ислоҳотлар эндигина бошланган 1992 йилдаёқ Биринчи Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар барқарорлик вазиятида ўтиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (1992) номли китобида ҳукумат сиёсати хусусийлаштириш ва рақобат вазиятини шакл-лантириш жараёнларини чуқурлаштиришга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, миллий валютани мустаҳкамлашга, иқтисодий тизимда чуқур таркибий ўзгартишларни амалга оши-ришга, кучли ижтимоий кафолатлар берадиган ҳуқуқий демокра-тик давлатни шакллантиришга қаратилган, деб ёзганди.

Шу боис мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг муҳим натижаси бу макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилгани бўлди. Бинобарин, бу жараён бозорни шакллантиришдаги муҳим жиҳатдир.

Ўзбекистонда макроиқтисодиётни барқарор қилиш борасида қатор амалий чоралар белгиланар экан, аввало бу борадаги жаҳон тажрибаси ўрганилди. Жумладан, ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилашда аввало устивор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириш, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаш (нефть – нефть мустақиллиги, энергетика – энергетика мустақиллиги, дон – ғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказолар) орқали иқтисоди-ётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат юритиши лозим эди.

Ўзбекистон иқтисодиётида, аввало, таркибий ўзгаришлар юз берди. Республика иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, импортни қисқартириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни

ривожлантириш, шунингдек истиқболни белгилайдиган устивор тармоқларни жадал ривожлантириш, тармоқлар ичидаги номутаносибликка барҳам беришга эътибор қаратилди.

Натижада, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришдан воз кечиб, Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди.

Ислоҳотларнинг натижалари аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондирилишида, айрим турларини эса четга сота бошланганида намоён бўла бошлади.

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайиб кетишига йўл қўйилмади.

Ислоҳот йиллари давомида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ошди. Қилинаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, асосий озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари истеъмоли ҳажми қисқаришига йўл қўймасликка имкон берди. Республикада мураккаб маиший техниканинг кўп турлари, автомобил ва бошқа халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши натижасида кейинги йилларда аҳолининг узоқ истеъмолдаги саноат моллари билан таъминланганлиги ошди.

Парламент аъзоларининг кейинги пайтлардаги кенг жамоатчилик билан юзма-юз мулоқотларда “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи йўналиши — “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўйича белгиланган устувор вазифалар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш керак бевосита солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очиб бераётгани қувонарлидир.

“Ҳаракатлар стратегияси”да бу борадаги ишларни кенгайтириш ва жадаллаштириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш орқали макроиқтисодий

мувозанатни сақлаш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, эркин иқтисодий зоналар бунёд этиш каби энг муҳим вазифалар амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, банк тизими, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш каби жиҳатлар ҳам асосий мақсадлар сирасига киритилгани муҳим аҳамиятга эга.

"Ҳаракатлар стратегияси" барча йўналишлари бўйича белгиланган вазифалар ижросини янада такомиллаштириш, мукаммаллаштириш мақсадида ҳамюртларимиз ҳам фаоллик кўрсатишаяпти. Бу борада интернет тармоғи орқали, учрашувлар, давра суҳбатлари мобайнида билдирилаётган ёзма ва оғзаки фикрлар бугун юртимизда ҳеч ким ҳаётий муҳим масалаларга бефарқ эмаслиги, ҳамюртларимизнинг фуқаролик бурчи ва масъулиятини, ислоҳотлар жараёнидаги дахлдорлик туйғусини нечоғлик теран англаб етаётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, "Ҳаракатлар стратегияси" лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида. Муштарак мақсадлар — халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлидаги ҳар бир эзгу саъй-ҳаракат умумманфаат йўлидаги фаоллик ҳамда фидойилик билан тўлиқ рўёбга чиқади.

## 2.ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ҳозирги пайтда дунёнинг фақат икки мамлакатидагина (АҚШ ва Ўзбекистон) пахтачилик машиналари ва ускуналари тўлиқ ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон – ипакчилик ва пиллакашлик техникаси ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги ягона давлатдир. Авиация техникаси ишлаб чиқариш бўйича МДҲдаги энг йирик корхоналарнинг бири Ўзбекистонда жойлашган. Ўзбекистон металлургияси деганда Марказий Осиёда қора ва рангли металлар назарда тутилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қурилиш комплекси ҳам муттасил ривожланмокда. Ҳозирги пайтда мамлакатда йилига юзлаб миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Биргина Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қуриб фойдаланишга топширилиши мамлакат иқтисодиётида катта ўринга эгалигини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида республикада транспорт ва алоқа ҳам замонавий талаблар асосида ташкил қилинди.

Шуни айтиш керакки, республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарисида ва ташқарига ташишни МДҲ, Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминловчи транспорт тизими шаклланди. Шу кунларда транспортнинг барча тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида «ТрансОсиё» магистралининг бир қисми ҳисобланган, Жанубий-Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган ва ТрансСибирь Магистралидан 1500 километр қисқа бўлган Тажан–Серахс–Машҳад янгийўли ишга туширилди.

Ўзбекистон Миллий Авиакомпанияси А-310, RJ-85, Американинг «Боинг» ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги самолётларга эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДҲнинг барча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Сингапур сингари мамлакатлари билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Ўзбекистонда ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси республика аҳолиси ва халқ хўжалиги эҳтиёжини тўлиқ қондириб келмоқда.

Айни чоқда Ўзбекистон ривожланган телекоммуникацияга эга бўлди.

Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ янги институционал тизимлар вужудга келди. Жумладан, Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди. Божхона хизмати бутунлай янгидан тузилди.

Амалдаги тегишли бўлинмалар республика ҳукумати, вазирликлар, маҳкамалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, чет эллик сармоядорларнинг мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишини рағбатлантириш ва уларни ишончли кафолат билан таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий замин яратилди.

МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий интеграция чуқурлашди. Ўз навбатида иқтисодий жиҳатдан ривожланган узоқ хорижий мамлакатлар билан савдо ҳажми ва географияси бирмунча кенгайди. Узоқ хорижий мамлакатларга анъанавий пахта толасидан ташқари электр манбалари чиқариш, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, шунингдек транспорт хизмати, сантехника ва бошқа хизматларни экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Импорт тизимида озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш камайиб, технология ва асбоб-ускуналар олиб келиш салмоғи ортди.

Ҳатто энг мушкул йилларда – яъни, ўтиш даврининг бошланишида ҳам Ўзбекистонда капитал сармояларнинг кескин тушиб кетиши кузатилмади, 1995 йилдан бошлаб эса инвестицияларнинг ўсиши яққол кўринмоқда. Мустақиллик йилларда иқтисодиётга сарф қилинаётган сармоялар ялпи ички маҳсулотнинг чорагидан купроғини ташкил қилди. Бу эса иқтисодиётнинг қатор асосий тармоқлари–ёнилғи, қазиб олувчи, енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут саноатини техник қайта жиҳозлаш ва янгилашни, янги йирик ишлаб чиқариш корхоналар – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, ЎзДЭУ, СамКочавто, Ҳозарасп шакар заводи ва бошқаларни қуришнигина эмас, балки республика учун мутлақо янги бўлган замонавий тармоқлар: автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология саноатини, радиоэлектроника, телекоммуникациялар соҳаси ва бошқаларни яратиш имконини берди;

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилар экан, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ҳам фойдаланилди. Жумладан, эркин

иқтисодий зоналар ташкил қилиш борасида қадамлар қўйилди. 1996 йил 25 апрелда Олий Мажлиснинг V сессиясида «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

Ҳар қандай ҳокимият, қайси тузумга мансуб бўлмасин, шубҳасиз, турли муаммолар билан тўқнаш келади. Шу боис давлат ҳокимиятининг барча органлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг мураккаб жиҳатлари, давлат ва жамиятнинг ютуқ ва муаммолари теран таҳлил қилиниб, Конституция, конституциявий қонун, қонун, фармон ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилади. Уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилгани давлат ва жамиятнинг халқчиллиги, қонунийлиги ва узоқ муддат барқарор ривожланишини таъминлай олади.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони ва у билан тасдиқланган 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам ана шундай муҳим ижтимоий-сиёсий ҳужжатлардан бири бўлди.

Ҳаракатлар стратегияси Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида қабул қилингани боис халқимиз истиқболини, мамлакатимиз тараққиётини таъминлайдиган устувор йўналишлар қамраб олинди. Ҳужжатда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўли чуқур таҳлил этилгани ҳолда уни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги стратегик ёндашув ва тамойиллар ўз аксини топди.

Кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган мазкур ҳужжат лойиҳаси кўпчилик, шу жумладан, қонун ижодкорлари, олимлар ва амалиётчи мутахассислар ҳамда чет эллик экспертлар иштирокида бандма-банд кўриб чиқилди. Шунинг учун ҳам унда юртдошларимизнинг, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакилларининг, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

Дунёнинг турли нуқталарида тинчлик ва осойишталикка таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, мазкур ҳужжатда республикамизнинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор этиш тизимини ривожлантириш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш белгиланмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган «Йўл хариталари» ишлаб чиқилади, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ҳамда молиявий-техник ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар амалга оширилади.

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, келгуси беш йилда мамлакатда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилиниши назарда тутилган ҳолда амалга оширилади. Ҳаракатлар стратегиясининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унга мувофиқ, замон талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатлари қайта ишланади. Ҳаракатлар стратегиясининг барча устувор йўналишларидаги қонунчилик базаси янада такомиллашади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиради, халқимизнинг фаровонлигини оширади, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, барча соҳаларни либераллаштириш ва модернизациялаш,ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Унда белгиланган устувор вазифалар инсон ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини

таъминлаш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароитларни яратиб беришга қаратилган бўлиб, уларнинг изчил ижроси мамлакатимизни порлоқ келажак сари етаклайди.

## 3.ЎЗБЕКИСТОН ИКТИСОДИЙ ТАРАКИЁТИНИНГ ОМИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНнинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради.

Инсон салоҳияти ва меҳнат захираларини шакллантиришда ижтимоий-демографик вазият ҳал қилувчи роль ўйнайди.

ЎЗБЕКИСТОНнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у ҳали ҳам МДҲ мамлакатлари орасида юқори даражада эканлигини айтиш кифоя.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти - жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир.

Ижтимоий-иқтисодий маънода буларнинг ҳаммаси республиканинг меҳнат захиралари барқарор, интенсив равишда тўлдирилиб туришини, демакки, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш учун катта имкониятлар мавжудлигини англатади.

Республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади.

Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти - унинг ёш ва касб таркибидир. ЎЗБЕКИСТОН аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI асрда меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир. Ҳозир қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд.

ЎЗБЕКИСТОНдаги меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти - унинг таълим даражаси юқорилигидир. Республикада аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тўла ҳал қилинган. Саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади.

Меҳнат захираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси ҳам юқоридир. Республикада мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, ўрта касб-ҳунар ўқув юртлари ва тижорат мактабларининг кенг тармоғи орқали олиш мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тўрт кишининг биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Яъни ҳозир билим даражаси жиҳатидан республика ҳақли суратда ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Бунга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳисобига эришилди. Ҳозирги вақтда республикада ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган.

Ёшларни жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика ўқув юртларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари анча мустаҳкамланди. Чет эллик ўқитувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машғулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл ўқув ва илмий марказларида ходимларнинг малака ошириши ва талабаларнинг ўқиши кенгайиб бормоқда.

Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфратузилмани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган. У ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида амалда қўлланмоқда.

Табиий захиралар чегаралanганлиги туфайли корхоналар ҳамда умуман давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуғлари, чуқур илм талаб қиладиган технологиялар қанчалик кенг жорий этилаётганлиги, кадрларнинг касб тайёргарлиги даражаси билан белгиланади.

Тарихан ЎЗБЕКИСТОН Республикасида шаклланган интеллектуал салоҳият ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган. Кўп жиҳатдан эса иқтисодий ривожланган мамлакатлардан қолишмайди.

ЎЗБЕКИСТОН инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуғларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади.

Ҳозир ЎЗБЕКИСТОН Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган моддий асосга, кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

ЎЗБЕКИСТОНда демографик вазиятнинг ўзига хослиги, инсон салоҳиятининг ривожланиши ижтимоий инфратузилмани, энг аввало, соғлиқни сақлаш ва аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни тегишли даражада ривожлантиришни ҳам талаб қилмоқда.

Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими яратилган. Бу умумий даволаш ва тор ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг турли усулларидан фойдаланиш имконини беради.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ва биринчи навбатда, электр, марказлаштирилган ҳолда сув, табиий газ билан таъминлаш тизими етарли ривожланган. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш учун республикада махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда республика уй-жой фондининг 73 фоиздан ортиғи марказлаштирилган сув билан, 64 фоиздан ортиғи табиий газ билан таъминланган, амалда барча аҳоли манзилгоҳлари электрлаштирилган.

Айни вақтда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини янада яхшилаш мақсадида, айниқса, Оролбўйининг экологик мураккаб ҳудудларида, умумий эпидемиологик вазиятни яхшилашга, юқумли касалликларни, болалар ўлимини камайтиришга, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун фақат давлатнинг кўплаб маблағлари сарфланибгина қолмай, балки кўпгина халқаро иқтисодий, гуманитар ташкилотлар ва фондларнинг маблағлари ҳам жалб этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНнинг жуда катта ютуғи шундаки, республика ривожланган энергетика, коммуникация ва сув тизимларига, ягона, бир-бирини тўлдирадиган темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғига эга.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларидан бирида: «...ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади. Кимки ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз буни асло унутмаслигимиз керак», — деган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ўтган йилнинг 14 декабрида бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида янги ва ғоят масъулиятли вазифалар ҳақида тўхталиб, «олдимизга қўйган мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди», – дея алоҳида

таъкидлаган эди. 2017 йил 7 февралдаги фармон ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси ушбу ҳаётий ҳақиқат асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишга жиддий тайёргарлик кўрилганини, Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими порталида жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ана шу мезонлар Ҳаракатлар стратегиясининг пишиқ-пухталигини таъминлади.

Президентимизнинг Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлашга оид фармонида қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида халқимизнинг турмуш даражаси ўтган асрнинг 90-йилларига қараганда анча яхшиланди. Шундай бўлса-да, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштириш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолаётган эди. Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги вазифалар ечими йўлида ташланган дадил қадамдир.

Кейинги пайтларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг ечими билан боғлиқ қатор қонунлар қабул қилинди. Лекин давлат ва жамиятнинг ҳар бир жабҳасида парламент ва сиёсий партияларнинг ролини сезиларли даражада оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган эди. Шуни ҳисобга олиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳамда 2016 йилнинг 14 декабрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент ва жамоатчилик назоратининг

таъсирчан механизмларини шакллантиришга қаратилган таклифларни илгари сурди.

Ҳаракатлар стратегиясининг «Давлат ва жамият қурилишини takomillashtirish» деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда ҳам ушбу таклифларнинг ижро механизмлари назарда тутилган бўлиб, бу асосан давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис ролини мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, давлат ҳаётида сиёсий партиялар ролини кучайтиришда яққол кўзга ташланади.

Масалан, биргина жорий йилнинг ўзида «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунларга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, шунингдек, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг регламентларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Албатта, бу каби чора-тадбирлар парламент палаталарининг жойлардаги ҳолатни ўрганиш ва халқ билан самарали мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан янгилаш ва такомиллаштиришга, давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишдаги роли, мавқеи ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда халқ билан мулоқот қилишнинг самарали механизмларини ва жамоатчилик назоратининг замонавий шаклларини жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, шу йилнинг ўзида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари

тўғрисида»ги ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ва унда белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилса, мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаёти янада яхшиланади, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз янги босқичга кўтарилади. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади, асл мазмун-моҳияти юртимизда истиқомат қилаётган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақеидан қатъи назар, барча фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш ҳамда кафолатлашдан иборат. Зеро, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Демак, фармон ва Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган эзгу мақсад ва ғояларнинг бекаму кўст ижроси кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг фаол иштирокимиз ва чуқур масъулиятимизга боғлиқ.

## 4.ИКТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКАВИЙ БАЗАСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Минтақада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат, катта куч-қудратга эга бўлган Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтайди.

Ноёб табиий-хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Қулай иқлим шароити, улкан минерал-хом ашё захиралари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсининг катта захиралари мавжуд.

Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар жаҳон харитасида кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилиги ҳали ишга солинмаган.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади - бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-хом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб

чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал-хом ашё потенциал 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Ғоят муҳим стратегик манбалар - нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металлар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металлар бўйича - 40, кончилик-кимё хом ашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган.

Қидириб топилган фойдали қазилмаларнинг ҳозирги даражаси ва у билан боғлиқ ҳолда қимматбаҳо, рангли ва нодир металлар, барча турдаги ёнилғи захиралари - нефть ва газ конденсати, табиий газ, кўпгина минерал-хом ашё ва қурилиш материаллари хилларининг ғоят бой конларини ўзлаштириш республиканинг келажагига ишонч билан қараш имконини бермоқда.

Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0 - 7,0 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан МДҲдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

Масалан, олтин захиралари бўйича республика дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10-11-ўринда, уран захираси бўйича 7-8-ўринда туради.

Кўпчилик минерал хом ашёнинг тайёрланган захиралари мавжуд тоғ-кон саноати комлексларининг узоқ муддат давомида ишлаб туришини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга бир қатор стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш қувватларини оширишга ҳам имкон беради.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон иқтисодиётида минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. У

саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Қидириб топилган захиралар негизида 400 га яқин кон, шахта, карьер, нефть-газ конлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасида ишга солинаётган фойдали қазилма конлари МДЎдаги бошқа мамлакатларникидан ўзининг жуда катта захиралари билангина эмас, балки бир қатор хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Бу хусусиятлардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, табиий ва минерал-хом ашё захиралари йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёқ комплекс қайта ишлаш имконияти бор;

Иккинчидан, фойдали қазилмаларнинг кўпгина турлари таркибидаги фойдали компонентлар юқори даражада бўлибгина қолмай, катта миқдорда йўлдош элементларга ҳам эга;

Учинчидан, конларнинг кўпчилигида очиқ усулда ишлаш мумкин, рудаларни бойитиш технологияси ҳам нисбатан оддий. Бу технология фойдали компонентларни кўп миқдорда чиқаришни ва жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот олишни таъминлайди;

Тўртинчидан, кўпгина фойдали қазилма конлари яхши ўзлаштирилган, аҳоли зич яшайдиган минтақаларда жойлашган. Улар транспорт йўлларига ва ҳудудлар ўртасида ресурсларни ташиш воситаларига, шу жумладан суюқ ва газ ҳолатидаги фойдали қазилмалар учун қувур транспортига эга;

Бешинчидан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилма, малакали кадрлар, тоғ-кон мутахассислари тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизими мавжуд.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини ҳам электр энергия, газ билан таъминлашни янада

яхшилаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини ошириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълимни сифат жиҳатдан янада бойитиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Тиббиёт масканлари, хусусан, бирламчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини янги босқичга кўтариш борасида аниқ тадбирлар олиб борилади.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, жамиятимизда ҳар томонлама соғлом оилаларни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимлари билан ҳар учрашувида бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг муҳокама қилинмоқда, зарур топшириқлар берилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси тиббиёт соҳасини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларининг касб малакаси ва масъулиятини янада оширишда ҳам муҳим дастуриламалдир.

Мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётини белгилаб берувчи ушбу муҳим ҳужжатда ёши улуғларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари қайд этилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, сув ва газ таъминоти қувурлари, бугунги талабларга мос замонавий йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини янада яхшилаш назарда тутилмоқда.

Бу ислоҳотларнинг барчаси одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## 5.ЎЗБЕКИСТОН ИКТИСОДИЙ ЖИХАТДАН ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАР КАТОРИДА

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган даврдан бошлаб халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланди, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув сиёсатини қўллай бошлади. Маълумки, собиқ маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти даврида мавжуд нархлар тизими, ишлаб чиқаришдаги кооперация, иттифоқдош давлатларнинг иқтисодиётини «умумиттифоқ таъминотига» мутлақ боғланганлиги ва фақат иттифоқ миқёсидаги товар айирбошлаш ва тақсимот орқалигина иқтисодий алоқаларни ривожлантириш хусусияти барча мустақил давлатларнинг 1990 – 1994 йиллар давомидаги ривожланишида жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Марказий Осиёнинг барча давлатлари, хусусан, Ўзбекистон экспортининг хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айирбошлашга ихтисослашуви тез фурсатларда мустақил ташқи савдо ва саноат сиёсатини шакллантиришга катта тўсиқ бўлди. Шу сабабдан ҳам 1992 – 1994 йиллар мобайнида Республикамиз иқтисодиётида чуқур инқирозларни олдини олиш, саноат тармоқларини бозор муносабатлари асосида бошқариш, ривожлантириш масаласини ҳал этиш лозим эди. Ушбу йилларда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш институтлари ва инфратузилмаси ҳам шаклланмаган эди.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, айниқса, экспорт стратегиясини амалга ошириш борасида қуйидагиларни устувор йўналиш сифатида белгилади:

– давлат эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган товарлар устидан назоратни кучайтириш;

– муҳим стратегик товарлар экспортидан тушадиган валюта маблағлари устидан назоратни кучайтириш;

– республика иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этишни ва экспорт фаолияти ривожлантирилишини давлат сиёсатининг барча чоралари билан рағбатлантириш;

– иқтисодиётда таркибий (структуравий) ўзгаришларни самарали амалга ошириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш.

Республикада шаклланган кўнгилли инвестицион иқлим йил сайин хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига имкон яратди.

Хорижий инвестицияларнинг ортиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида Республикамиз ташқи савдо айланмасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу албатта яратилган кўнгилли ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларнинг муайян мақсадларга йўналтирилганлиги очиқ иқтисодиёт сари оғишмай йўл тутилаётганлигидан далолатдир. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Ташқи иқтисодий фаолият”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолотлари ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, Қонунлари бевосита қулай ва кўнгилли инвестицион муҳитни шакллантириш, миллий корхоналар экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилганди. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида экспортга йўналтирилган бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, жаҳон товар ва хизматлар бозори талабларига тез мослаша оладиган эпчил, мослашувчан корхоналарни вужудга келтириш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ягона электрон информацион тизимни жорий этиш, ушбу операцияларнинг мониторингида Божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банк ва бошқа ушбу жараёнга алоқадор ташкилотларнинг масъулияти янада оширилди. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдаги ортиқча расмиятчилик ва маъмуриятчилик асосида ёндашувларга барҳам бериш чоралари белгиланди. Жумладан, “Импорт контрактларини ҳисобга олиш ва ташқи савдо операцияларини божхона

мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом"да импорт, битимларни банкларда 7 иш куни мобайнида белгиланган схема асосида ҳисобга олиш учун, зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати аниқ белгилаб берилди. Бундан ташқари, ташқи савдо операциялари бўйича тузиладиган битимлар (контрактлар) бандларининг мазмуни қай даражада аниқ бўлиши, импорт товарларини халқаро, миллий стандартлаш тизимига мос келишини назорат этиш йўллари ҳамда ташқи савдо операциялари ягона электрон информацион тизимини киритилиши лозим бўлган маълумотлар, реквизитлар аниқ белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, йилдан-йилга ташқи савдо операциялари, хусусан, импорт операцияларини эркинлаштириш сари қатор чора-тадбирлари кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги УП-3327-сонли "Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида импорт операцияларини рўйхатга олиш бекор қилинди. Фақатгина давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати берилган кредитлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларида давлат улуши 50 %дан ортиқ бўлган ёки ўз валюта ресурслари етмаган ташкилотларнинг импорт контрактларинигина ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилди.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур чора-тадбирлар импорт операцияларини амалга оширишда нафақат харидор ва сотувчи ташкилотлар, балки уларга хизмат кўрсатаётган барча банк муассасалари, транспорт ташкилотлари, божхона органларининг манфаатларига мос келиб, ушбу жараёндаги ортиқча расмиятчиликлар, маъмуриятчиликларга барҳам берди. Импорт операцияларининг ўз вақтидаги тўловлари, божхона назорати ва истеъмолчига етиб боргунга қадар бўлган барча тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлади.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда импорт операциялари мураккаб ва бошқа турдаги қатор тадбирларни амалга оширишни талаб

этмоқда. Жумладан, инвестицияларни жалб этиш, ўзаро тўловлар, хизмат кўрсатиш, интеллектуал мулк ҳимояси, иқтисодий хавфсизлик, ички бозор ҳимояси, истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояси ва бошқа қатор соҳаларга тааллуқли масалаларни ҳал этишни талаб этмоқда. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3151-сонли “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони асосида Республикамизда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини 140 дан ортиқ мамлакат билан олиб борилаётган муносабатлар орқали амалга оширмоқда. Ушбу фаолиятда қуйидаги иккита асосий йўналиш ажралиб туради:

-МДҲ мамлакатлари билан олиб бориладиган муносабатлар;

-узоқ хориж мамлакатлари билан олиб бориладиган муносабатлар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ҳаракатлар стратегияси бутун мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи, ҳар бир юртдошимиз фаолияти ва ҳаётига дахлдор тарихий ҳужжат. Шу боис унинг лойиҳа пайтидаги кенг жамоатчилик муҳокамасида ҳам, қабул қилингач, ижросини таъминлашда ҳам ҳар бир инсоннинг — раҳбар, мутахассис, оддий ишчи сифатида иштирок этиши муҳим фуқаролик бурч ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари фармойишида эътироф қилинган баҳони эса ҳаммамиз учун берилган рағбат, шараф ва табиийки, масъулият деб қабул қилишимиз керак. Шу маънода марказ зиммасига ишонч билан юклатилган Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертлик ва жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни ҳар томонлама мукаммаллаштириш ва амалга ошириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб қилиш учун мавжуд сафарбарлик даражасини янада

оширишимиз керак бўлади. Бунинг учун зарур шарт-шароит ва кадрларимиз салоҳияти етарли.

## САВОЛЛАР

1. Бозор муносабатларига ўтиш моделининг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини.
2. Ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозори.
3. Республикага янги технология ва техника келтирилиши.
4. Мустақиллик йилларида яратилган янги илғор ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар .
5. Мамлакатнинг иқтисодий базасини яратилиши.
6. Инсон ва корхоналарнинг, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши.
7. Иқтисодиётга барқарор ривожланиш тусини берилиши.

**Адабиётлар руйхати**:


1. Тараққиётнинг ўзбек модели. – Т.:«Ижод дунёси», 2002 йил.
2. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.:“Шарқ”, 2006.


**4. Электрон таълим ресурслари:**

1. www. Ziyo net.uz.
2. www.gov.uz

## 3-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ СОХАЛАРДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВ АСАРЛАРИДАГИ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАР

Режа

1.Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар.

2.Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ва унинг босқичлари.

3.Маънавиятни юксалтириш масалалари.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларидаги назарий концептуал масалалар

**Калит сўзлар**. аҳолини ижтимоий ҳимоя, иқтисодий танглик, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари, нарх-навони эркинлаштириш, истеъмол бозори, халқ манфаатлари, аҳоли бандлиги, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик

## 1.ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ, МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг, жамиятда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг бош йўналиши бўлиб қолди. Бинобарин, мамлакатда ўтказилаётган барчаислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш шароитларини вужудга келтиришдир.

Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, жаҳон тан олган беш тамойилнинг муҳим қисми аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам шу билан боғликдир.

Ўзбекистон ҳукумати ана шу беш тамойил асосида ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чоралар кўрди. Бу чоралар одамларнинг турмуш даражасини кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади ҳамда республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлди.

Масалан, мустақилликнинг дастлабки мураккаб, иқтисодий танглик йилларида одамларнинг турмуш даражасини нормаллаштириш мақсадида давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, миқдори доимо ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги тўловларни жорий қилиш усули кенг қўлланилди.

Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турилди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина қисми бўйича нархлардаги тафовутларнинг ўрни қопланди. Шу билан бирга қўшимча ижтимоий имтиёзлар ҳам жорий қилинди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояланишига мунтазам эътибор берар экан, республика ҳукумати ислоҳотларнинг биринчи босқичидаги тажриба асосида инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг бутун бир тизимини шакллантиришга эришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида энг кам иш ҳақи ва бошқа тўловлар одатда, олдиндан кўпайтириб келинди, нарх-наво ўзгариши билан боғлаб олиб борилди, бу эса аҳолининг тўлов қобилияти сақланиб қолишини таъминлади ва турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймади.

Даромадлар миқцорини ўзгартириш орқали аҳолини ижти-моий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида 1993 йилда жорий этилган янги ягона тариф сеткаси ҳам аҳоли ижтимоий ҳимоясида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу чора барча тоифадаги ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Натижада иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақи, пул даромадлари ўз-ўзидан оша борди. Шу билан бирга республиканинг ички исгеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги ҳам аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди.

Республикада нарх-навони эркинлаштириш соҳасида қўшни мамлакатларга нисбатан бир мунча мўътадил сиёсат ўтказилганлиги истеъмол бозорини ҳимоялаш заруратини келтириб чиқарди.

Истеъмол бозори барбод бўлишига йўл қўймаслик учун Ўзбекистонда ишлаб чиқариш яхлит тизимини вужудга келтиришга ҳаётий муҳим масала сифатида қаралди, маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиб кетилишини божхоналар орқали қатъий назорат қилиш ва юқори бож тўловлари жорий этиш йўли билан амалга оширилди.

Ўтиш даври қанчалик мураккаб бўлмасин, бу тизим республиканинг барча аҳолисига ҳаётий муҳим маҳсулотларни истеъмол қилиш ва хизматлардан баҳраманд бўлиш соҳасида ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаб берди.

Миллий валютани муомалага киритиш, унинг ички алмашувини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирларнинг кўрилиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатда ички бозорни, халқимиз манфаатларини фақат бақувват миллий валютагина ҳимоя қилиши мумкин, деган қатьий хулосага келинди.

Миллий валюта жорий этилгач, ислоҳотлар биринчи босқичининг охирларига келиб (1995 йил), озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан бутунлай воз кечиш ва эркин нархларга ўтиш имконияти туғилди.

Меъёрлаш тизимига барҳам бериш тадбирлари аҳоли таъминотини ёмонлаштирмасдан, унчалик қийинчиликларга йўл қўймасдан ўтказилди. Эркин нархларга эса «эсанкирашларсиз» ўтишга муваффақ бўлинди. Буни Узбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг муҳим натижаси деб баҳолаш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қуватлаш борасида кўрил-ган чора-тадбирлар, ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Яна шуни айтиш ўринлики, мустақиллик йилларида ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олиш учун зарур шароит яратишга ҳам доимо эътибор берилди. Олий ўқув юртлари талабалари-инг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчила-рининг, аспирантларнинг стипендиялари кейинги бир неча марта оширилди.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаси қилиб касалликларнинг олдини олиш, хасталарни даволаб дарддан фориғ қилиш, яшаш муҳитини соғломлаштиришдан иборат қилиб белгиланди. Бунда халқ табобатининг бой анъаналарига, илм-фан ва техниканинг илғор ютуқларига, олим ва мутахассисларнинг заковату салоҳиятига суяниши кўзда тутилди. Ўзбекистон ўз истиқлолига эга бўлгандан сўнг ижтимоий соҳадаги энг муҳим масала сифатида аҳоли

соғлигини сақлаш мамлакат Президенти ва ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлди.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътибор марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" шу йилнинг 7 февралида қабул қилинган Фармонида бешинчи устувор йўналиш қуйидаги тарзда белгиланган: "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш".

Пухта-пишиқ баён этилган бу вазифаларнинг бари бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини талаб этадиган, давлат ва халқ учун ўта муҳим аҳамиятга эга йўналишлар ҳисобланади.

Энди Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ана шу бешинчи устувор йўналиш билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори 2-бандида белгиланган вазифалардан бирининг мазмун-моҳиятини ўзаро солиштирайлик: "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний

бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш".

Бу ердаги энг муҳим янгилик шундан иборатки, мамлакатимиз бундан буён қўшниларимиз билан рақобатлашиш эмас, балки, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш, яшаб турган минтақамиз бўлмиш Марказий Осиё муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлини танлади. Бу – жуда муҳим. Бундан оқилонароқ йўл йўқ.

Мустақиллик тарихига Ҳаракатлар стратегиясининг айнан ана шу бешинчи устувор йўналиши бўйича нималар қилинганини аниқлаштириш асосида ёндашсак, мамлакатимизда бу борада мисли кўрилмаган ютуқларга эришганимиз ойдинлашади.

Мустақилликнинг илк дақиқасидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси сиёсатида миллатлараро тенглик ва тотувлик ғоясига алоҳида эътибор қаратилди. Кўп ўтмай бу умуминсоний тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларида қатъий қилиб қайд этилди.

"Муқаддима"сидаёқ Асосий Қонунимиз "республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб", "фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида" қабул қилинаётгани айтилган.

8-моддада: "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", – дейилади.

Демак, тилшунослик нуқтаи назаридан ўзаро маънодош (синоним) ҳисобланса-да, Конституция қабул қилган кундан эътиборан ўзбек сиёсатшунослиги ҳуқуқий терминологиясида "халқ" ва "миллат" сўзлари ўзаро маънодош бўлмай қолди. Чунки Конституцияда "халқ" деганда

мамлакатнинг бутун аҳолиси, “миллат” деганда эса бу ерда яшайдиган 136 миллатдан бири тушунилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг бари – шу юрт фарзанди, ватандошимиз, Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Миграциявий жараёнлар учун бирон-бир фуқаронинг заррача айби йўқ.

1989 йил 21 октябрида қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонун амалда республикамиздаги бошқа тиллар равнақи учун ҳам кенг йўл очди. Ҳозир мамлакатимизда 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида умумий таълим мактаблари мавжуд. Аслида, иқтисодий жиҳатдан муайян мушкулликлар туғдирса ҳам, шу мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар мамлакатимизнинг ўзида тайёрланиб, чоп этилади.

Ўзбек мактабларида она тили, рус тили ва бир хорижий (жами уч) тил, рус мактабларида она тили, давлат тили ва бир хорижий (жами уч) тил, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман мактабларида эса она тили, давлат тили, рус тили ва бир хорижий (жами тўрт) тил ўқитилади.

Тил ўрганиш амалда кишининг онг-тафаккурини ўстиради, унинг ахборот олиш имкониятини кенгайтиради, фикрлашда қиёслаш кўникмаларини пайдо қилади, шакллантиради.

Мамлакатимизда ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ ва инглиз тилларида матбуот нашрлари мавжуд.

Мустақиллик йилларида амалда ҳар бир миллат ва элат вакилининг ўз тилида бадиий ижод қилиш имкониятлари ҳам кенгайди. Масалан, шўро даврининг сўнгги ўттиз-қирқ йили мобайнида Тошкентда тожик тилида биргина китоб чоп этилган. Аммо истиқлол замонида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларда ўзбекистонлик тожик шоирларининг 100 дан ошиқ тўплами босилиб чиқди. Уларнинг аксариятида Ватан ҳақида шеърлар бор. Уларнинг барида “Ватан” деганда жонажон Ўзбекистонимиз, унинг водию воҳалари, шаҳару қишлоқлари, чўлу тоғлари, далаю боғлари

таърифу тавсиф этилади. Тожик ёзувчиларининг кўплаб насрий асарлари ҳам босиляпти.

Ўзбекистонда ўзига хос бир миллий тийнат юзага келган, десак муболаға бўлмайди. Чунки, ўз-ўзидан, миллат миллатга, маданият маданиятга таъсир ўтказади, улар бир-биридан акс таъсир олади ҳам. Шу тариқа ҳар бир миллий маданият амалда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигидан иборат бўла боради.

Бугун мамлакатимиздаги бошқа миллат ва элатлар вакиллари учун ҳам ош – энг тансиқ таом бўлиб улгурган. Тўй-маъракаларимизни усиз тасаввур эта олмаймиз. Тўй-тантаналаримизда турли миллат ва элат вакиллари бемалол хоразмча “Лазги”га, бухороча “Мавриги”га ёки “Андижон полкаси”га завқ билан рақсга тушади. Турли миллат ва элатлар вакиллари бир маҳалла, бир кўпқаватли уйда ён қўшни – жон қўшни бўлиб яшаб келяпти. Ўртада “бор товоғим – кел товоғим” ҳам мавжуд.

Бугунги ўзбек маданиятини, шарқона ва ғарбона маданиятлар уйғунлигидан (синтезидан) иборат, деб ҳисоблашга тўла ҳақлимиз. Ғарб маданиятининг ижобий жиҳатларини ўзлаштириш – фақат ютуқ. Аммо Ғарбда демократиянинг суиистеъмол қилиниши оқибатида юзага келган “оммавий маданият”нинг, яланғочлик фалсафасининг кириб келишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Шу йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари мукофотланди. Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди. Республика байналмилал маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унга кўра, Республика байналмилал маданият маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказ, шунингдек,
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, 34 та дўстлик жамияти фаолияти ўзаро бирлаштирилди.

Шу тариқа бу қўмита миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминловчи бошқарув органи мақомига эга бўлди.

Мамлакат тараққиёти бугун бевосита 32 миллиондан ортиқ кишининг аъмолига – саъй-ҳаракатига боғлиқ. Шундай экан, Ўзбекистонимиздаги барча миллатлар вакиллари – ҳамюртларимиз, жондош-қондошларимиз. Шунинг учун, миллатимиздан қатъи назар, шу Ватан тақдирига барчамиз бирдек масъулмиз. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов алоҳида шиор тарзида ўртага ташлаганидек: “Шу азиз Ватан – барчамизники!”

Хуллас, Ҳаракатлар стратегияси асосида бешинчи устувор йўналиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳар қандай кишини мамнун этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 августда қабул қилинган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармойишида муайян маънода ҳозиргача амалга оширилган ишлар бир сидра сарҳисоб ҳам қилинди. Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ҳамда 700 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул

қилингани қайд этилди, шунингдек, беш устувор йўналиш бўйича қилинган ишлар қисқача санаб ўтилди.

Эртанги истиқболни белгилаш учун, табиийки, кеча ва бугуннинг тажрибаларига суяниш, яъни эришилган ютуқларни янада кўпайтириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни эса сўзсиз тузатиш тадоригини кўриш керак. Мазкур Фармойишда ана шу қоидага амал қилинган. Унда қайд этилишича: "...Навбатдаги ислоҳотларни сифатли ва олдиндан режалаштириш учун 2017 йил якунлари бўйича эришилган натижаларни чуқур ўрганиш ва пухта таҳлил қилиш зарур".

Биз бундан кейин шу йўлдан борамиз. Чунки навбатдаги ғиштни олдинги ғишт устига қўйиш керак.

Тарихан олганда, бир давлатнинг давлат, бир мамлакатнинг мамлакат, бир халқнинг халқ бўлиб шаклланиши осон кечадиган жараён эмас. Ўзбекистон Республикаси – шу ҳудудда тарихан шаклланган, дунёда ўз ўрнини топишга эришган тамоман янги давлат. Биз миллий давлат қурдик. Турли миллат ва элатлардан иборат аҳоли бир сиёсий бирлик – Ўзбекистон Республикаси халқи сифатида шаклланди.

Мамлакатнинг манфаати ҳар биримизнинг манфаатимиз, халқнинг ютуғи ҳар биримизнинг ютуғимиз, ҳаммага яхши бўлса, албатта, менга ҳам яхши бўлади, кўпга берсин, кўп қатори менга ҳам берсин, деган тушунча ва қарашларнинг одамлар қалби ва онг-тафаккуридан мустаҳкам ўрин олишига бирданига эришиб бўлмайди.

Биздаги аҳиллик, тилибирлик, тинчлик-хотиржамлик руҳини мамлакатимизга турли сабаблар билан ташриф буюраётган хорижликлар ҳам сезади, бу уларни ҳам хушнуд этади, албатта.

Ўн йиллар муқаддам бир кечаси Самарқанддан Тошкентга таксида келинди. Шерикларимиздан бири туркиялик савдогар йигит экан. Маҳмадонагина денг. Ҳеч кимга гап бермай келди ўзиям.

– Мен, –деди у, – ўз мамлакатимда ярим кечаси бегона машинада бир шаҳардан иккинчисига бормайман. Айниқса, ҳозир, мана чўнтагимда

Америка пули ҳам, Европа пули ҳам, Туркия пули ҳам, Ўзбекистон пули ҳам бор. Бу ерда менга ҳеч ким тегмаслигини биламан. Мамлакатларингиздаги бу тинчлик-осойишталикнинг, бу оғизбирликнинг қадрига етинглар...

Мамлакатимизда шу тариқа давлат ва халқ ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кучайтириш даври бошланди. Бундан буён ҳам тараққиётимиз айнан ана шу давлат ва халқнинг жипслигига таянади. Бусиз ҳеч бир мамлакат ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришган эмас.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини ҳаммамиз теран англашимиз даркор.

Истиқлол тарихининг кейинги бир йилини таҳлил қилиб, шу хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга оширишнинг янги даври бошланди. Бошқача айтганда, ислоҳотлар жадал босқичга кирди. Бу босқичнинг кўп-кўп янги жиҳатлари мавжуд. Энг муҳим томони шундаки, бунда давлат ва халқ жипслигига эришишга қаттиқ киришилди. Давлат билан халқ бирикса, енгилмас кучга айланади.

## 2.ИЖТИМОИЙ СОХАДАГИ ИСЛОХОТЛАР ВА УНИНГ БОСКИЧЛАРИ

1989 йил октябрда Олий Кенгаш сессиясида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Давлат манфаатлари нуқтаи назаридан бундай зарур чора республикада истиқомат қилаётган русийзабон аҳоли томонидан бир хил қабул қилинмади. Уларнинг руҳан тайёр эмаслигини ҳисобга олиб мамлакат раҳбарияти тил Дастурини амалга оширишда шошма-шошарликка йўл қўймади, унга ҳаёт тақозоси асосида ўзгартиришлар киритиб борди.

Мамлакатда мунтазам суръатда тил сиёсати ҳақида тушунтиришлар олиб борилди, мавжуд вазиятни ҳисобта олиб, заруриятга қараб иш юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, турли маъмурий-идоравий муносабатларда рус тили ва бошқа миллатлар тилларидан фойдаланила бошланди. Шунинг учун бу масала 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлис IV сессияси кун тартибига киритилиб, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади», – деб ёзиб қўйилди.

Маданият вазирлиги қошида мамлакат миллатлараро Маданият Маркази ташкил этилди. Унинг таркибида 12 та, жумладан Қозоқ, Корейс, Арман, Озарбайжон, Тожик маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Вақт ўтгани сайин уларнинг сони орта борди. Бундай ривожланиш ўз навбатида уларнинг фаолиятини мувофиклаштиришни тақозо қиларди. Шу мақсадда 1992 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Байналмилал маданият» Маркази ташкил қилинди. Марказ фаолиятидаги муҳим йўналиш умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол иштирок этиш бўлди. Жумладан, республикада ўтказиладиган анъанавий «Наврўз» байрамида нафақат маҳаллий миллат вакиллари, балки, республикада яшаётган барча миллат вакиллари катнашадилар, бу байрамга чукур ҳурмат билан қарайдилар. Ўз навбатида маҳаллий аҳоли ҳам русларнинг миллий байрами бўлмиш «Масленница рождество», татарларнинг «Сабантўй» ва бошқа қатор халқларнинг миллий байрамларида фаол иштирок эта бошладилар.

Мустақиллик йилларида «Байналмилал маданият» Маркази томонидан амалга оширилган ишларнинг яна бир йўналиши бу 1994 йили бошланган

биринчи «Халқ ижодиёти» фестивали бўлди. Бу фестивал Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ташкил этилди ва у ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қарор қилинди.

Ўзбекистонда қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар, улар ижодига бағишланган кечалар ўтказиш одат тусига кирди. Ўзбекистон кунларининг Қозоғистонда ўтказилиши, Қозоғистон кунларининг Ўзбекистонда ўтка-зилиши, қозоқ ва ўзбек халқи ўртасидаги қардошларча алоқанинг янада равнақ топишига катта ҳисса қўшди. Рус маданият Маркази Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда С. Я. Есенин туғилган кунининг 100 йиллигини, Қозоқ маданият Маркази Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда буюк қозоқ шоири Абай таваллудининг 150 йиллигини, Қирғиз маданият Маркази Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда «Манас» эпосининг 1000 йиллигини кенг нишонладилар.

Украина миллий маданий Маркази «Такдиримиз–ягона» мавзуида давра столи ташкил этди. Атокли рус шоири С.Есенин юбилейига бағишланган кеча иштирокчилари «Узбекистон – умумий уйимиз» мавзуида суҳбат ўтказдилар.

Айни пайтда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 120 дан ортиқ миллат ва элатларнинг фарзандлари ўғил-қизлари мамлакат ўқув юртларида бемалол таълим олмокдалар. Кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилмокда. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар олиб борилмокда.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарурати туғилди. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи, халқнинг турмуши, демократик вазият билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалари ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсатнинг устивор йўналиши ҳисобланади. Аҳолининг меҳнат ва ижодий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун унга шарт-шароит яратиб берилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини

шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози юз бераётган даврда Ўзбекистонни жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини четлаб ўтиш бўйича давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон Республикасида уни бартараф йўллари ва чоралари" асарида жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари ёритиб берилган. Иқтисодий инқирозни олдини олиш бўйича таклифлар, чора-тадбирларва вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида эришилган ютуқлар: жумладан: Ўзбекистон иқтисодёти 2008 йилда ўтган йилларга нисбатан 9 фоизга ошди. Ўзбекистонда банк-молия тизими фаол ривожланганлигига эътиборни қаратадиган бўлсак, банкларнинг жами капитали 2007 йил билан таққосласак 40 фоизга ошганлиги кўрамиз. Шу билан бирга 2009-2012 йилларга мўлжалланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурида барча турдаги энергия манбалари коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик ва бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаш механизми ишлаб чиқилди.

2008 йилда аҳолининг реал даромади жон бошига 23 фоизга ошди. 2009 йилнинг ўрталарида ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида, шунга мос равишда хўжалик юритиш субъектларида ҳам 1,4 баробар оширилди. Натижада инфлятциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-8 фоиз даражасида сақлаб туришга эришилди. 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдонинг сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатади Бундан ташқари соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига давлат ялпи ички махсулотининг 12

фоизи ажратилиши ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳатларни самарасини бермоқди.

Давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий соҳада олиб бораётган сиёсати: маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш. Ўзбекистонда янги жамият қуриш йўлида маънавият соҳасида қуйидаги вазифалар амалга оширилмоқда.

1. Маънавий ва аҳлоқийликни қайта тиклаш.

2. Халқимизнинг миллий маданияти ва унинг ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш.

3. Виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг 1992 йилда нашр этилган "Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асари маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг "Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари" деб аталган бобида илгари сурилган тамойиллар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик
- халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш
- инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши
- ватанпарварлик

Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий, бадиий ва диний қарашлар мажмуи халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" (2008) асари биринчидан, маънавиятга давлат раҳбари томонидан таъриф берилган ва асосланган, иккинчидан, ўтган ўн етти йил мобайнида бу борада амалга оширилган улкан маънавий ислоҳатларнинг таҳлилий хулосалари келтирилган, учинчидан, унда хар бир масалага айнан бугунги

талаб ва эхтиёждан келиб чиқиб ёндашилган, тўртинчидан, эл - юртнинг порлоқ келажаги учун жонкуярлик қилинган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг бой тарихига таяниб, порлоқ истиқболини қураётган давлат, ҳамжиҳат халқ, энг тез ривожланаётган мамлакат сифатида дунёга танилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган, ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар, амалий саъй-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаб берган мазкур ҳужжатда қайд этилган ҳар бир вазифа шу заминда яшаётган, эртанги кунга қатъий ишонч билан қараётган ҳар бир инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан кенг жамоатчилик, ишбилармон доиралар, давлат органлари вакилларининг учрашувлари, халқ билан мулоқотлар чоғида билдирилган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилгани эътиборга лойиқ.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланиши уни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширади. Шу жиҳатдан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириладиган Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг туб моҳиятида халққа ҳар томонлама қулайлик яратиш мужассам. Фаолияти аҳоли билан ишлаш, унинг манфаатларини таъминлаш бўлган тузилмалар янада такомиллаштирилади. Бу жараёнда давлат ҳокимияти

тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш кутилган натижага эришишда зарур восита бўлиши шубҳасиз.

Халқ билан мулоқотнинг бугунги кун талаби даражасидаги зарур омилларидан бири “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришдир. Жорий йилда бу йўналишда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Бунинг учун зарур барча асослар яратилаётгани аҳолига, тадбиркорлик субъектларига катта қулайликлар тақдим этмоқда.

2017 йили энг кам ойлик иш ҳақи: Россия - 136$, Қозоғистонда – 73$; Туркманистонда – 186$; Ўзбекистонда – 18$; Жанубий Кореяда – 912$; Буюк Британияда – 1560$; АҚШда – 1160$.

Гөштиң баҳасы 1 кг: Россия – 8,4$, Қозоғистонда – 4,19$; Туркманистонда – 5,14$; Ўзбекистонда – 3,5$; Жанубий Кореяда – 20,3$; Буюк Британияда – 13$; АҚШда – 11,5$.

Мәйек 12 дана: Россия – 12,6$, Қозоғистонда – 5,3$; Туркманистонда – 1,7$; Ўзбекистонда – 0,74$; Жанубий Кореяда – 3,9$; Буюк Британияда – 2,3$; АҚШда – 4,5$.

Буюк Британия аҳолиси энг кам ойлик иш ҳақининг бор йўғи 1,4 фоизини сарфлаб, юқоридаги барча турдаги маҳсулотлардан бир бирлик харид қилиш имкониятига эга.

Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг ўртача миқдорини олсак ҳам (6 коэффициент) деярли 900 минг сўм ўртача иш ҳақига тенг бўлади, ойликнинг ярми айнан истеъмол маҳсулотларига сарфланиши аниқ. Ойлик иш ҳақининг қолган қисми эса кўпи билан солиқ, коммунал харажатлар, кийим-кечак ва транспорт харажатларини зўрға қоплаши мумкин. Жамғариш ҳақида эса умуман гап сўзи бўлиши мумкин эмас.

Ривожланган давлатларда ўртачадан пастроқ соатбай иш ҳақи 15-20 долларни ташкил қилади.

## 3.МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1989 йил 24 июнь куни эндигина Ўзбекистон раҳбари бўлиб иш бошлаган Ислом Каримов халқимиз, Ватанимиз тақдири, келажаги учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, бундай деди: “Мен сизларни мавжуд аҳволни танқидий баҳолашга ва бундан буён эскича яшаш мумкин эмаслигини англашга чақирмоқчиман. Ҳақиқатан ҳам, биз энди бундай яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”.

1990 йил 24 февраль куни Юртбошимиз, мавжуд вазиятни янада теран баҳолаб, барча раҳбар ва фаолларни сергак ва дадил бўлишга даъват этди: “Халқимиз бошига тушган бу ташвишларни чуқур ҳис қилиш, уларни бартараф этиш нақадар мураккаб ва зарур эканини англаш учун кўп нарса керак эмас — безовта юрак керак, очиқ кўз керак”.

Ислом Каримов ана шундай улкан жасорат билан мудроқ қалбларни уйғотиб, барчамизни миллий мустақиллик сари ундади. Ўтган йиллар давомида ҳаётимизнинг барча соҳаларида эришган ютуқларимиз аслида ўзимизга, жамиятимизнинг бугунги ва эртанги истиқболига ана шундай безовта юрак ва очиқ кўз билан қараб, мақсадларимизни аниқ белгилаш натижаси десак, адашмаймиз.

Маълумки, мустақиллик бировга қарам бўлмаслик, ўз хоҳиш-иродаси ва инон-ихтиёрига, ўз ҳаёти ва тақдирига ўзи эгалик қилишни англатади. Мустақиллик миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳамма учун энг муқаддас туйғу, олий қадрият ҳисобланади.

Маълумки, ҳаётда эришиладиган ютуқларнинг бош омили мақсадга боғлиқ. Тўғри танланган мақсад халқ ва жамиятни бирлаштиради, унинг сафарбарлиги, қатъиятини кучайтириб, тўғри йўлга бошлайди.

“Мустақиллик йилларида мақсад қилиб қўйган марраларни, аввало, энг тараққий этган демократик давлатлар қаторига кўтарилиш, фаровон ва бадавлат ҳаёт кечириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритган ютуқларни сарҳисоб қилиш учун “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволга холисона жавоб бергандагина кўп нарса биз учун аён бўлади”.

Кеча миллий маданияти, урф-одатлари, анъаналари, муқаддас дини таъқиб остига олинган, сохта “совет маданияти”га ишонган, мустақиллик ғоялари учун қирғин-қатағонга дучор этилган минг-минглаб асл фарзандларини ёд этишдан жудо қилинган, жаҳон андозаларига мос билим олишдан кўра, диплом олишга қизиқтирилган, минглаб авария ҳолатларидаги таълим, маданият муассасаларига эга халқ эдик. Бугун эса маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган, “Озод ва обод юртда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг ўйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак” деган юксак мезон асосида яшаётган, жамиятни соғломлаштиришни, мамлакатни обод қилишни кўнгил ободлигидан бошлаган, замонавий таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат муассасаларига эга, барча шаҳар ва қишлоқлари, ҳатто, энг чекка қишлоқларида ҳам катта-катта ўзгаришлар амалга оширилаётган, фуқаролари фаровон яшашини таъминлаш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланган халқмиз.

Кеча диний қадриятларимиз топталган, диний байрамларимиз тақиқланган, масжидларимиз омборхона, отхона, машина эҳтиёт қисмлари сақланадиган жойларга айлантирилган, 74 йил давомида совет тузуми даврида атиги 173 нафар юртдошимиз ҳаж сафарига боришга муяссар бўлган, “дин — афюн” деб эълон қилинган мамлакатда яшайдиган халқ эдик. Бугун эса, муқаддас ислом динимиз тикланган, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ ўиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби ўнлаб, юзлаб азиз авлиёларимизнинг ўлмас меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш имконига эга бўлдик. Айни пайтда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг таълим-тарбия, илм-фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганидан фахрланиб яшайдиган, йилига 5200 нафардан ортиқ фуқароларимиз ҳаж сафарига бориб келадиган мамлакатга айландик.

Кеча ижтимоий муаммолар тўлиб-тошиб ётган, колхозчилар қўлига ҳар ойда 42 сўм пул оладиган, энг аввало, қишлоқ аҳолиси ўта қийналган, ер муаммоси ҳал этилмаган, бутун совет ҳокимияти йилларида қишлоқ аҳолисига бор-йўғи 300 минг гектарга яқин ер томорқа сифатида берилган, қишлоқ инфратузилмаси тўлиқ ишдан чиққан, уч-тўрт оила каталакдек гувала уйларда яшашга маҳкум этилган ночор кишилар эдик. Бугун юртимизда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиб, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Унинг моддий ва молиявий базаси мустаҳкамланиб, фермерларга янада кенг йўл очиб берилмоқда. Биз бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бўйича пухта ўйланган, илмий асосланган дастурга эга, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида йилига 10 мингдан ортиқ замонавий уй-жойлар қурилаётган мамлакатмиз.

Масалан, парламент аъзоларининг ҳар ой камида 10 кун давомида жойларга бориб, аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиб, кўплаб муаммоларни жойида ҳал этишга эришаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлат хизматларининг очиқлигини таъминлаш, хусусан рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензияларни олиш тартибларини соддалаштириш мақсадида www.license.gov.uz, давлат хизматларини “бир дарча” тамойили асосида амалга ошириш учун birdarcha.uz. веб-сайтларининг очилгани, “Кадрлар” (staff.gov.uz) идоралараро ягона кадрлар тизимининг жорий этилганини алоҳида қайд этиш керак. Бундан ташқари, туманлар ва туманлараро иқтисодий судларнинг ташкил этилгани узоқ жойлардаги тадбиркорлар вақти ва маблағини тежаш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Фармацевтика соҳасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини йўлга қўйиш, маҳаллий экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чораларнинг кўрилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Яна бир мисол — жорий йилнинг 15 мартидан бошлаб пенсионерлар учун соат 10.00 дан то 16.00

гача Тошкент метрополитени хизматидан бепул фойдаланиш имкониятининг яратилганини ўзига хос шароит дейиш мумкин. 2018 йилнинг 1 январидан ҳалол солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ таътилининг амалга кириши ҳам бу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичига қадам қўйилаётганидан далолатдир. Шу каби яна кўплаб соҳа ва тармоқдаги янгилик ва ўзгаришларнинг барчаси юртимиз тараққиёти, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, дунё бозоридаги салоҳиятини ошириш, аҳоли фаровонлигини янада кўтаришга қаратилгани билан эътирофга сазовордир. Жорий йил охиригача яна бир қатор шундай лойиҳаларнинг якунига етиши кутилмоқда

## 4.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИДАГИ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАР

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади.

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.

Маълумки, биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган.

Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим.

Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалам-бор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Биринчи Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва барка-мол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди.

Ватанимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, уртуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли

қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур.

Ҳар қандай умумий фаолият натижаси умумижро жараёнидаги ҳамкорликни ўзаро ва тенг манфаатдорлик асосида йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Марказ ўз ваколатидан келиб чиқиб тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда ишлашда уларга юқори даражадаги кўмакни беришга ҳаракат қилаяпти. Масалан, жамоатчилик фикрини ўрганиб, хорижий тажрибани таҳлил қилиб бериш, мутахассислар учун хориж сафарларини уюштириш каби ёрдамларимиз улар учун фойдали бўлаяпти ва лойиҳаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаяпти. Бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришимизни даврнинг ўзи талаб қилаяпти.

Бундан ташқари, амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича тегишли идораларни ахборот-таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш ишларининг, экспертлар кенгашлари фаолиятининг ўзига хос кўмагига алоҳида тўхталмоқчиман. Чунончи, ҳозирга қадар 20 га яқин қонун лойиҳаси экспертлар муҳокамасидан ўтказилди, бунда хорижий тажрибани ўрганишга асосий урғу берилди. Бир қатор хорижий ва халқаро ташкилотлар билан музокаралар ўтказилиб, 40 дан ортиқ қўшма лойиҳа ишлаб чиқилди ва уларнинг айримлари ишга туширилди. Масалан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва “Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, журналистларнинг касбий малакаси ва амалий кўникмасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилди. Бунда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорлик қилинди. Мазкур қўшма лойиҳага кўра, мамлакатимизнинг бир гуруҳ журналистлари сентябрь ойида Буюк Британияга бориб, у ердаги соҳага оид тажриба ва ОАВларидаги амалиёт билан танишиш имкониятига эга бўлишади. Бундан ташқари, БМТнинг Тараққиёт дастури билан ўзаро шерикликда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, БМТнинг Тараққиёт дастури билан биргаликда Маъмурий

ислоҳотлар концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Давлат бошқаруви асослари тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари тайёрланмоқда. Бу жараёнда ҳам марказимиз экспертлар гуруҳининг кўмаги жуда қўл келмоқда. Ҳозирда ушбу хужжатлар лойиҳаларини кенг жамоатчилик муҳокамаларидан ўтказишга асосий эътибор қаратаяпмиз.

## САВОЛЛАР

1.Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар

2.Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарининг мазмуни ва моҳияти

3. Биринчи Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобининг мазмуни ва моҳияти

4.Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт тизимининг яратилиши

5.Ўзбекистонда миллатлараро тотувликнинг таъминланиши. Миллий-маданий марказлар фаолияти

6.Этник, маданий ва диний бағрикенглик давлат сиёсатининг тамойили сифатида

7.Мустақиллик йилларида миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларнинг тикланиши

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.– 364 б.

2. Левитин Л., Дональд С.Корлайл. Ислом Каримов – Янги Ўзбекистон Президенти. Т., Ўзбекистон, 1996.

3. Тараққиётнинг ўзбек модели. – Т.:«Ижод дунёси», 2002 йил.

4. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.:“Шарқ”, 2006.

**4. Электрон таълим ресурслари:**

1. www. Ziyo net.uz.

2. www.gov.uz

## 4-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Режа

1.Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари.

2.Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Унинг назарий асослари ва амалий натижалари

**Калит сўзлар.** Ўзбекистон таълим тизими,ислоҳотлар, назарий асослари, амалий натижалари, илм-фан, жисмоний тарбия, спорт,

### 1.ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

1997-йил 29-август куни Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сесиясида Узбекистон Республикасининг «Таълим туғрисидаги» янги низоми ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"ни қабул этди.

Узбекистон Республикасида таълим пастда курсатилгандай формада амалга Ошириши белгиланди.

*мактабгача таълим;

*умумий урта таълим;

*урта махсус касб-ҳунар таълим;

*олий таълим;

*олий таълимдан кейинги таълим;

*кадрлар билимини жетистириу ва уларни қайта таёрлаш;

*мактабдан ташқари таълим.

Миллий дастурда ҳаётимизнинг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган реформаларни уч босқичта амалга ошириш назарда тутилган.

Биринчи босқич(1997-2001-йиллар)

Иккинчи босқич(2001-2005)

Учинчи босқич (2005-ва ундан кейинги йиллар)

Давлатимизда қобилиятли ёшларни излап топиз,уларга ёрдам бериш, қуллаб-қувватлаш буйича давлат сиёсати олиб борилмоқта.1997-йили ташкиллаштирилган “Умид” фонди йулламаси билан 1997-2001 йилларда 785 йигит қизларимиз ривожланган давлатларнинг олий уқиш жойларида уқиш учун юборилди.Улардан 519 уқувчилар тамомлаб келди.Ташкентте 2002-йил июльда Халқаро Вестминстер университети, 2006-йили Москва давлат университети филиали, 2008-йили Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 2009-йили Турин политехника университети ташкиллаштирилди

Узбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992-йил 8-июльдаги “Илм-фан ва инновация ишларини ривожлантиришни давлат томонидан қуллаб-қувватлаш ҳақида” ги фармони Вазирлар Кабинетининг шу фармон бажарилишини таминлашга қаратилган қарори илм-фан ривожланишида муҳим аҳамиятга эга булди. 1997-йилда Биринчи Президент фармони билан Хоразм Фанлар Академияси қайта тикланди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 15 июлда имзоланган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш йўналиши инновацион иқтисодиётга ўтишни назарда тутади. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ғоят муҳимлигини таъкидлади. Негаки, у муҳим вазифани ҳал этиш – инновацион тараққиёт жараёнларини кучайтириш учун саноатчилар, олимлар ва тадбиркорлар саъй-ҳаракатларини интеграциялаштиришга хизмат қилмоқда. “Ўзэкспормарказ”да бу йил олтинчи марта ўтказилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий

алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотлари кенг иштирок этмоқда. Мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва йирик компанияларининг етакчи мутахассисларидан таркиб топган ишчи гуруҳи шунга риоя этган ҳолда, илмий, таълим, конструкторлик ташкилотлари ва ихтирочиларнинг 607 аризасини кўриб чиқди.

Улар орасидан саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармакология, ахборот, илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантиришга доир энг истиқболли 550 технология, инновацион ғоя ҳамда лойиҳа танлаб олинди. Муқобил энергия манбалари, чунончи, қуёш энергиясида ишлайдиган технологиялар ярмарка қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу мамлакатимиз ушбу соҳада улкан салоҳиятга эга эканлиги ва мазкур ишлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқдир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 март куни қабул қилинган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этишга оид қарори қабул қилинди.

Мустакилликка эришгач халкимизнинг ўз юрти, тили, маданияти ва кадриятларини ўрганилиши  Юртбошимиз ўз асарларида ёритиб ўтдилар.1992 - йилда " Ўзбекистоннинг  ўз истиклол ва тараккиёт йўли ", 1998 - йилда  " Тарихий хотирасиз келажак йўк ", 2008 - йилда эса " Юксак манавия - енгилмас куч "  2011 - йилда " Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида "  ва бир катор асарларида Ўзбекистон тарихи масалаларини атрофлича баён этиб ўтганлар.

1997 йил февралда И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласини кўтарди. У шундай деди: «Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қуйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим». Янги «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича таълим турлари мактабгача таълим (6-7 ёшгача), умумий ўрта таълим (9 йиллик), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (3 йиллик), олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат қилиб белгиланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш милллий дастури» мактабгача таълимдан то фанлар академиясигача бўлган замонавий, янги узлуксиз таълим тизимини вужудга келтиришга, Ўзбекистон таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлди.

1997 йил 27 августини Олий Мажлисни IX сессиясида Узбекистон Республикасининг "Таълим тугрисида"ги Конуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" кабул килинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида мамлакатимизда таълим ислохати утказилишидан кузда тутилган максад, таълимни вазифалари дастурини рўёбга чикариш боскичлари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели асослаб берилди. Мазкур дастурнинг асосий мксади таълим сохасини тубдан ислох килиш, уни утмишдан колган мафкуравий коралашлардан ва саркитлардан тула холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиши ривожланган демократик хукукий давлат курилиши жараёнлаига мослаш.

Миллий Дастурда таълим ислохатлари уч боскичда утказилиши кузда тутилади:

1-боскич 1997-2001 йиллар.

2-боскич 2001-2005 йиллар.

3-боскич 2005 йилдан кейинги йиллар.

Миллий Дастурлар тамонлама камол топган турмушга мослашган, таълим турлари ва касб-хунарни онгли равишда танлай оладиган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фукароларни вояга етказишни назарда тутади, Дастурни хаётга тадбиқ этиш жараёнида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий модели шаклланади.

Олий Мажлисининг 1996 йил декабрдаги Қарори билан 1 октябрь - «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб белгиланди.

Биринчи навбатда биз жойларга чиқиб, оддий одамлар билан мулоқотда бўлиб, Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ишлар қандай самара бераяпти, улар буни қандай тушунаяпти, деган саволлар асосида уларнинг фикрларини ўрганамиз ва таҳлил қиламиз. Маҳаллий ва хорижий экспертларнинг юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари бўйича мулоҳазаларини билиш учун учрашув-мулоқотлар ташкиллаштирамиз. Бу чоралар бизнинг ҳозиргача бажарган ишимиздаги умумий ҳолат ва маълумотларни шакллантириш, ундан хулоса чиқариш, агар камчиликлар бўлса, уларни баратаф этган ҳолда янги режаларни, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, янги йўналишларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, сўровномалар ҳам ўтказилади. Бугунги кунда 100 дан ортиқ саволларни ўз ичига олган сўровномалар тайёр, уларни аҳолига тарқатмоқчимиз. Энг муҳими, фармойишда алоҳида белгилаб қўйилганидек, Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган Давлат дастури лойиҳасига киритиладиган таклифлар фақат кенг жамоатчилик билан дастлабки муҳокама қилинганидан кейин кўриб чиқилиши, давлат дастурининг лойиҳаси жамоатчилик фикрлари олингандан сўнг ишлаб чиқилиши кўзда

тутиляпти. Бу ўз навбатида бўлажак ҳужжатнинг халқчиллигини, уни амалга оширишнинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Шу боис барча саъй-ҳаракатлар ҳозирданоқ айни шу масалага қаратилмоқда.

## 2.ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг руҳан тетик, жисмонан баркамол инсонни шакллантиришдаги беқиёс аҳамияти охирги йилларда хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор-фармонларда ўз аксини топмоқда. Биринчи Президент И.А.Каримов жисмоний тарбия ва спортни аҳоли ўртасида, айниқса ёшларни тарбиялашдаги, жисмоний тарбия спортни ёшлар тафаккурининг ривожлантиришга катта аҳамият бериб, қатор ҳужжатларга имзо чекди. Жумладан, 2000 йил февраль ойида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси “Соғлом авлодни тарбиялаш” давлат дастурини қабул қилинди. 2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги Президент Фармони чиқди. 2003 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий спорт тарғиботини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ва фармонлар замирида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда турли ҳил касалликларнинг олдини олишнинг асосий йўли тўғри ташкил этилган жисмоний харакат маданияти, спорт, ҳамда ёшларга жисмоний тарбия дарсларини олиб боришдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси ва спорт мураббийларининг юқори малакага эга эканлигидир

1992 йилдан Термиз ва Шаҳрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказила бошланди.

1994 йилда Тошкентда теннис саройи қурилиб, унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини» учун теннис бўйича катта халқаро мусобақа ўтказилмоқда.

1992-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари спорт турлари бўйича бир қанча Жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли

қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, 1994 йили Ўзбекистон Республикаси спортчилари 1-марта Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффақиятларга эришдилар. Улар 42 медални, жумладан 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистон футбол терма жамоаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. 1996 йил Ўзбскистон спорти тарихида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон бокс федерацяси спорт бўйича йўриқчиси Артур Григорян Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, мутлақ чемпион «Олтин камар»ини қўлга киритди. 2002 йилгача 17 марта жаҳон чемпиони номини сақлади. 1996 йил январда Халқаро Олимпия Қўмитасининг қарорига мувофиқ, жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ва олимпия ғояларига садоқати учун И.Каримов Олимпия Олтин ордени билан мукофотланди. Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди. Уни Халқаро олимпия қўмитасининг Президенти Х.А.Самаранч И.Каримов билан бирга тантанали равишда очиб берди. Х.А.Самаранч Дўстлик ордени билан такдирланди. 2001-2002 йиллардан бошлаб ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида 4 босқичда (мактаб, туман, вилоят ва республика босқичлари) « Умид ниҳоллари», Академик лицей, коллеж ва 9-11-синф ўқувчилари орасида «Баркамол авлод», ҳар 2 йилда бир марта олий ўқув юртлари талабалари орасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказилиши йўлга қўйилди. 2003 йилда Республика миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастурлари тузилди. «Соғлом оила» мусобоқаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган. Мусобақалар ҳар йил «Наврўз» байрами арафасида маҳаллалар миқёсида ўтказиладиган бўлди. 2002 йилнинг ўзида ўзбек спортчилари турли мусобақаларда қатнашиб 186 дан ортиқ Олтин медални қўлга киритдилар

«Кадрлар тайёрлаш милиий дастури» асосида ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил августда тасдиқланган «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари» асосида янги ўқув дастурлари амалиётга жорий этилди. 2001-2002 ўқув йилидан эътиборан мактаб

ўқувчиларига дарсликларни ижарага бериш тизими асосида таъминлашга босқичма-босқич ўтила бошланди. 2001 йилдан бошлаб дарсликларни танлов асосида яратиш йўлга қўйилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижросининг 1-босқичи асосий вазифаларидан бўлган мониторинг тизими шакллантирилди. Янги таълим тизимига мувофиқ иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар учун 500 дан ортиқ янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этилди. Кўплаб иқтидорли ўқувчиларимиз турли халқаро олимпиадаларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритмоқдалар. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан олий таълим икки босқичда - бакалавриат ва магистратурадан иборат. Фаолият кўрсатаётган 62 та олий ўқув юртида 260 минг талаба таҳсил олмоқда. Шу кунларда мамлакатимиздан 700 нафар талаба хорижий мамлакат ўқув юртларида иқтисодий ихтисослар бўйича ўқишмокда. Бир неча минг талаба 3 ойдан бир йилгача хорижий ўқув юртларида таълим олмоқда.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Ҳаракатлар стратегияси билан боғлиқ барча тадбирлар ва ўтказилган муҳокамалар ёритиб борилмоқда. Лекин улар фақат тарғибот-ташвиқот мазмунида бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, эндиликда жамоатчилик фикрини билиш, муаммоли масалаларни аниқлаш, муайян таклифларни олишда оммавий ахборот воситалари кўмагига таяниш мақсадга мувофиқ бўларди. Шу масалада биз ҳамкорликни янада кучайтиришимиз лозим бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари билан биргаликда чет эл оммавий ахборот воситаларида Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини ва марказ фаолиятини ёритиш ишларини янада жадаллаштириш режамизда бор. Шунингдек, Хитой, Буюк Британия, Қирғизистон, Австрияга мўлжалланаётган сафарларимиз давомида ҳам айни шу жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз.

Фармойишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳ нашр этилиши ва тарқатилишини таъминлаш устида иш олиб бормоқдамиз.

**САВОЛЛАР**

1.Олий таълим тизими ислоҳотлари

2.Олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш бўйича Давлат талаблари Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги

3.Илм-фан соҳасидаги инновациялар ва уларнинг аҳамияти

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил қилиш” тўғрисидаги ПҚ-1694-сонли қарори ва унинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ривожлантиришдаги ўрни

5.Миллий маданий меросни тиклаш юзасидан давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

6.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни амалга ошириш босқичлари

7.Ўзбекистонда жисмоний тарбия, спортни ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш сиёсати

**Адабиётлар руйхати**

1.И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –2008.

2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.

3.Каримов И.А. Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг бугунги цивилизациядаги роли ва аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

4.Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

## 5-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСИ БУЛГАН «УЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЖАХОН ХАМЖАМИЯТИДА ТАН ОЛИНИШИ

РЕЖА

1.Ўзбекистон ташқи сиёсатининг назарий концептуал асослари.

2.Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг назарий асоси бўлган “ўзбек модели”нинг жаҳон ҳамжамиятида тан олиниши

**Калит сузлар**. Ўзбекистон ташқи сиёсати, назарий концептуал асослар, ислоҳотлар, “ўзбек модели”,

### 1.ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон шу пайтгача дунёнинг барча мамлакатлари, қитъалари ва минтақалари билан ўз муносабатларини, бу мамлакатларнинг устқурмаси қандай бўлишидан қатъи назар, фақат халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қуриб келди ва бундан кейин ҳам шу йўлдан боради.

Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлгани сабабли ҳеч қайси блокка қўшилмайди. Биз буни миллий хавфсизликнинг муҳим кафолати деб биламиз. Шу билан биргаликда, ҳарбий блоклар билан ҳамкорлигимиз тинчлик ишига, мамлакатлар ва халқларнинг хавфсизлиги мақсадларига, демакки, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги мустаҳкамланишига хизмат қилса, биз ҳамиша мулоқотга тайёрмиз. Шу ўринда Ўзбекистон 1994 йилнинг июлида НАТОнинг коллектив хавфсизликни таъминлашга қаратилган "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" лойиҳаси амалга оширилди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилди.

Биринчидан, ўзаро манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги:

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик:

Учинчдан, мафкуравий қарашлардан қанъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик:

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устиворлиги:

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Биз ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг тури йўналишлари бўйича муваффақиятли деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очиқ. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун кафолатдир. Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатдан қулай жуғрофий стратегик мавқега эга қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бирини-бири бойитиш жараёни

жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқда Осиё Океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Унда яқин беш йилликда мамлакатимиз забт этиши назарда тутилган улкан довонлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Мамлакатини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгиланган. Булар давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш ҳисобланади.

## 2. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСИ БУЛГАН «УЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЖАХОН ХАМЖАМИЯТИДА ТАН ОЛИНИШИ

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки миллий хавфсизлигимиз, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1993 йил февралида иш бошлаган эди. Албатта, бу унчалик катта муддат эмас. Бироқ 1994 йил январига келиб, ваколатхона БМТнинг Тараққиёт дастури, Қочоқлар иши бўйича ваколатли олий комиссари, Болалар жамҚармаси, Саноат тараққиёти дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Жаҳон соҚлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиши жамҚармаси сингари ихтисослашган

муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, БМТ билан ҳамкорлик қилиш режалари амалга ошиб бормоқда. Бу ҳамкорлик иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, соҚлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмоқда.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкент шаҳрида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, фаровонлик ва ҳамкорлик муаммоларига баҚишланган доимий семинарини ташкил этиш таклифини ўртага ташлади. Бизнинг фикримизча, республикамиз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Осиёдаги таянчи бўла олади. У минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни, эҳтимол тутилаётган можароларнинг олдини олувчи дипломатияни таъминлашда, зиддиятларни бартараф этишда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва БМТ ҳамжиҳат иш юритадиган майдонга айланиши мумкин.

Ўзбекистон 1992 йил феврал ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот-Европа хавфсизлик ва хамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. И.Каримовнинг 1992 йил 9-10 июлда бўлиб ўтган Европа хавфсизлик ва хамкорлик ташкилотининг мжлисида иштирок этди, унда нутқ сўзлади. Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганининг далилидир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврида республикада суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида БМТ доирасидаги ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, унинг БМТ ҳомийлигида таълим ва фан, маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот-ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 183 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади барча халқлар келажагининг умумийлиги

асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга кўмаклашишдан иборат. ЮНЕСКО ҳар йили ўз фаолияти доирасида жаҳонда 150-200 тадбир ўтказади.

1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Ўша куни Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрда Парижда Улуғбек ҳафталиги ўтказилди. Хива ва Бухоро  ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлар руйхатига киритилди. Бу руйхатда 441  объект бор Самарқанд, Бухоро, Хванинг меъморий мажмуаларини қайта тиклаш ишларига ЮНЕСКО эксперти қайта тикловчи меъмор Жованни Боккарди Ўзбекистонда ишлаб ёрдамлашмоқда. 1996 йил октябр ойида Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланди. 1997 йили Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик саналари нишонланди, 1994 йил декабрда республикамизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ташкил этилди у идоралараро орган бўлиб, таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.

2007 йилнинг 16 октябр - 2 ноябр кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрини ЮНЕСКО юбилейлар рўйхатига киритиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Минтақавий халқаро Ташкилотлар Европа Иттифоқи, ЕҲҲТ, НАТО, ЭКО, ОИК қўшилмаслик ҳаркати ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳоҳиш иродаси ва таклифига кўра 1992 йил 2 мартда жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот –Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ Низомини халқаро ҳуқуқий меъёрларни, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотлар талабларига риоя қилинишини билдирди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштирок этиши ва унда 27 сентябрда қилган маърузаси ЎЗ-нни жаҳонга қўҳна ва ёш навқирон давлат сифатида намоён этди. Ўз-н Рес-си номида Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТ нинг Тошкентда доимий ишловчилар семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш Тожикистон, Афғонистон можоросини ва бошқа бир қатор масалалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

1993 йил феврала Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг раҳбарларининг ҳаракатлари натижасида ваколатхона мамлакатимизда БМТнинг тараққиёт дастури жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳоли жойлашиш жамғармаси, наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, назорат тараққиёти дастури, болалар жамғармаси сингари, ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди ва улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон шу қисқа давр ичида БМТ ваколатхонаси билан кўплаб халқаро тадбирлар ўтказилди ва ижобий ишлар қилинди. Тошкентдаги БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий Қумитаси комиссарининг вакили тожик қочоқларини юртига қайтариш уларга БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини етказиш тўғрисида кўп ишлар қилинди. 1994 йл октябрда Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон сайёҳлик ташкилотигнинг «Ипак Йўли» халқаро йиғилиши 1997 йил 15 –16 сентябрда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё-ядро куролидан ҳоли зона» мавзусидаги халқаро конференция ва кўплаб бошқа халқаро тадбирлар шулар жумласидандир

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёдаги барча давлатларга ўз таъсирини кўрсатмоқда ва оқибати салбий тус олмоқца. Мамлакатимизда унинг таъсирини бартараф этиш мақсадида Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг 28 ноябрида «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш, барқарор ишлашини таъминлаш

ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини республика иқгисодиёти реал сектори корхоналарига таъсирини камайтириш, уларнинг барқарор ва мутаносиб равишда ўсишини таъминлаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация жараёнларини янада чуқурлаштириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва бар-қарор ипшашини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳисобга олинган ҳолда, 2008 йилнинг ноябридаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошланди.

## САВОЛЛАР

1.Ўзбекистоннинг геосиёсий стратегик имкониятлари

2.Ўзбекистонда Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кўрилган чора-тадбирлар

3.Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниши ва унинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви

4.Ўзбекистоннинг БМТ га аъзо бўлиши ва унинг тарихий аҳамияти

5.Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлари

6.Марказий Осиё минтақасида интеграциялашув муаммолари

7.Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари

8.Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг ўрни ва роли

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – 2008.-176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.-440 б.

5. Каримов И.А. Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг бугунги цивилизациядаги роли ва аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

## Амалий машғулот учун материаллар, топшириқлар ва уларни ўтказиш бўйича тавсиялар

### 1. Узини узи презентация килиш

| Номзод исми-шарипи | Эмоциональ кизиктириш (1–5 балл) | Информация бериш (1–5 балл) | Комментария, шахсий гоялар (+) |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |

### 2. Гурухдаги дискуссия

| № | Исми-шарипи | етакчилик | Коммуникативлик | Интеллект | Инициатива |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |

### ТЕХНОЛОГИК КАРТА

**Мустақил Ўзбекистоннинг  ижтимоий-иқтисодий ривожланиши**

| **Мавзу** | **Иқтисодий барқарорлаштириш ва юксалишга эришиш.** |
|---|---|
| **Мақсад вазифалар** | Ўзбекистанда ўтказилган иўтисодий ислоҳотларнинг мазмунини, моҳиятини ва асосий йўналишларини ёритиб бериш. Мавзуга оид билимларни педагогик технологиялар воситасида талабаларга етказиш. Талабаларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш |
| **Ўкув жараёнининг мазмуни** | Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки пайтлардаги макроиқтисодий вазифалари. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш. Иқтисодий юксалиш учун шарт –шароитларнинг |

| | |
|---|---|
| | яратилиши. Иқтисоддаги таркибий ўзгаришлар. Замонавий шароитларда иқтисодиётнинг ривожланиши. |
| **Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси** | **Метод**: оғзаки баён қилиш, суҳбат ФСМУ технологияси.<br>**Шакл**: маъруза, жамоада ишлаш.<br>**Восита**: матнлар, бланклар.<br>**Усул**: тайёр ёзма матнлар<br>**Назорат**: Оғзаки назорат, кузатиш<br>**Баҳолаш**: Рағбатлантириш |
| **Кутилган натижалар** | **Ўқитувчи**:<br>Билимларни талабалар томонидан чуқурроқ ўзлаштиришига эришади.<br>**Талаба**:<br>Янги билимларни эгаллайди ва мустаҳкамлайди. |
| **Келгуси режалар (таҳлил ўзгаришлар)** | **Ўқитувчи**<br>Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш.<br>**Талаба**:<br>Матн билан мустақил ишлаш ва ўз фикрини равон баён қила олиш қобилиятини ҳосил қилиш. |

**ФСМУ технологияси**

| | |
|---|---|
| **(Ф)** Фикрингизни баён этинг | Туб иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистоннинг ривожланишида сифат жиҳатидан янги даврни бошлаб берди. |
| **(С)** Фикрингизни баёнига бирон сабаб кўрсатинг | Мамлакат олдида турган кўплаб иқтисодий муаммолар ҳал этилди ва юксалиш учун замин яратилди. |
| **(М)** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг | Иқтисодий ислоҳотларнинг самараси аниқ кўрсаткичлар негизида кўриш мумкин. |
| **(У)** Фикрингизни умумлаштиринг | Иқтисодий барқарорликка эришиш мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам берди. |

Муаммоли вазият

| **“Муаммоли” вазият тури** | **“Муаммоли” вазиятнинг сабаби** | **Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари** |
|---|---|---|
| Мустақилликка эришиш ва ижтимоий-иқтисодий соҳада туб ислоҳотларни ошириш заруратининг юзага келиши. | 1. Эски тузумга хос ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва жараёнларнинг республикада барпо қилинажак янги жамият манфаатларига мос келмаслиги.<br>2. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изга солиш зарурлиги. | 1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига таяниш . |

## 1. Маъруза. 2. Маъруза. Ўзбекистонннинг ўзига хос ижтимоий - иқтисодий тараққиёт йўли. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кун тартибида жаҳон андозаларига мос келадиган давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш, уларни қонун билан мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий тизимни вужудга келтириш вазифаси турар эди. Чунки собиқ социалистик тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар эндиликда республикада барпо қилинажак янги жамият манфаатларига мос келмас эди. Мулкчилик, мулкка эгалик ва уни бошқариш, ишлаб чиқариш омиллари, бозор механизми, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини нормал изга солиш ана пгундай жиддий янгиланишларни тақозо этар эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жаҳонда ҳамма мамлакатбоп ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тамойиллари, барча учун тавсия этиш лозим бўлган тайёр андозалари ҳеч қачон бўлмайди. Шу билан бирга ривожланишнинг маданий, маърифий, тарихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари мавжуд бўлган Ўзбекистондай қадимий маконда ўзига хос йўл танлаш учун анчамунча изланиш лозим эди. Бироқ вақтни бой бермай, тезкорлик билан иш тутиш лозим эди.

Яна шуни таъкидлаш даркорки, Ўзбекистон, республика ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтда мамлакат ичкарисида бўлгани каби унинг ташқарисида ҳам унга ишонмайдиган, шубҳа билан қарайдиганлар бор эди.

Табиийки, ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон учун ўзига хос истиклол ва тараққиёт йўлини танлаш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андозасини ишлаб чиқиш ғоят долзарб ва аҳамиятли эди. Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали қисмини ўзлаштириш билан бирга Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш лозим эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, «жаҳон ваўзимизнингамалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди.

Албатта, мамлакат учун ҳаёт-мамот босқичи бўлган бир пайтда унинг янги жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш давлат раҳбаридан янги шароитга мос бошқарув тизимини ишлаб чиқишни, жамиятнинг иқтисодий асосини вужудга келтиришни тақозо қилади. Аҳолининг барча тоифаларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи ғоялар тизимини яра-тишни талаб этарди. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ана шу тарзда шаклланди. Мамлакат истиклолининг ташаббускори ва раҳнамоси сифатида Президент И.А.Каримов худди ана шундай пайтда ўзининг қатъий, илмий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан яшовчан хулосаларини ўртага ташлади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов умумхалқ овоз бериши йўли билан мамлакат Президенти этиб сайланганиданоқ ўзининг бутун амалий фаолиятида халқ ва ватан манфаатини назарда ту-тиб фаолият кўрсатди. У Олий Кенгашнинг 1992 йил, 4 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида шундай деган эди: «Менга қандай юксак масъулият юкланганини ҳис қилган ҳолда халқнинг муносиб турмуш кечириши учун қандай йўллар танлаганимиз ҳақида баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Халқ иқтисодиётни барқарорлаштириш учун қатъий ҳаракатлар қилишни кутяпти. Утмиш қолдиқлари халқ елкасига оғир юк бўлиб қолган. Энг муҳим вазифалардан бири халқнинг бахт-ли ҳаётини таъминлашдир. Президент шиддат билан кириб келаётган бозор зарбаларига бардош берувчи, ёрдамга муҳтож кишиларни ўз ҳомийлигига олиши керак. Булар – кўпболали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар...

Бундан кейин ҳам биз учун шу тамойил қатъий бўлиб қолаверади»

Президент Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида Дастур аҳамиятига молик бўлган давлат сиёсатининг стратегиясини аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Табиийки, ушбу қоидалар Ўзбекистон истиклоли ва тараққиётининг асосий йўлларини белгилаб бериш учун асос бўлиб хизмат қилди. Масалага ана шундай ёндашиш мустақилликнинг илк кунлариданоқ аниқ тартиб-интизомга риоя қилиш, қонун устиворлигига интилиш мамлакатда энг мураккаб пайтларда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Давлат Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айни чоқда 90-йиллар бошларида, яъни мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқур таҳлил қилди. Шу асосда сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир,– деган хулосага келди.

Бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиққан Давлат Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлларини ишлаб чиқишда аввало республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олди.

Шунинг учун ҳам И. Каримов 1992 йил, 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида «Истиқлол йўллари ва муаммолари» мавзуида нутқ сўзлар экан, «Биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш

тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишилар-нинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз,» – деди ва туб ислоҳот-ларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилини белгилаб берди.

Республикадаги ўзига хос маънавий-руҳий вазиятдан келиб чиқиб иш тутилди. Чунки Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари йилдан-йилга ўсиб борувчи минтақа ҳисобланади. Ушбу омилнинг аҳамиятига эътибор берар экан Президент шундай деди: «Халқимизнинг 60 ва ҳатто ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди. Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак.

Хулоса шуки, қишлоқ жойда ва район марказларида мавжуд бўлган ортиқча ишчи кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас, балки янги, ихчам, замонавий корхоналарни қишлоқ жойларига, район марказларига олиб бориб қуришимиз зарур. Содда қилиб айтганда, одамларни ишхонага эмас, ишхонани одамларга яқинлаштириш лозим»

Ўзбекистон тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда республиканинг қулай жуғрофий-сиёсий имкониятини ҳисобга олинди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини ҳисобга олиш лозимлигини ҳам кўрсатиб берилди.

Чунки, шўролар даврида кишилар онгида ижтимоий тенглик тушунчаси, яъни яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган фикр шаклланиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган, мулкка эгалик туйғусидан узоқлашган эди. Бу албатта, кишиларнинг меҳнатга интилишини сўндирар, иш натижаси учун масъулиятини оширишга салбий таъсир кўрсатар эди. Уларда боқимандалик, текинхўрлик иллатларини чуқурлаштирар эди. Шунинг учун, бозор муносабатларига ўтишда одамлардаги мана шу кайфиятни эътиборга олиш керак, деб ҳисобланди. Ислоҳотлар даврида хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашиши, мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш сари дадил қадамлар қўйилиши мана шу омилдан келиб чиққан хулосадир.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш имконини берадиган бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциалига ва кадрлар қудратига эга мамлакат эканлигидир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишда эди.

Ушбу хулосалар И.Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, қадам-бақадам янги қоида ва йўл-йўриқлар билан бойитиб борилди. Хусусан, 1992 йил август ойи охирида Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналари арафасида Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли Ўзбекистон истиқлолининг назарий асослари чуқур таҳлил этилган асари нашрдан чиқди.

Маълумки, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида жами-ятнинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиши ҳал этувчи бир неча ижтимоий муаммолар билан узвий боғлиқ.

Булар:

– давлатнинг ислоҳотларни ўтказишдаги бунёдкорлик роли;
– жамиятнинг моддий, маънавий ва ижтимоий имкониятларини сафарбар этиш;
– ўрта ҳол синфни шакллантириш;
– халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалаларидир.

Таъбир жоиз бўлса, бу омилларнинг босқичма-босқичлиги, уларнинг аҳамияти, шунингдек, улардан алоҳида, ҳар бирининг ва барчаси бир бутун бўлган ҳолатда берадиган самарадорлиги ҳар хил сабабларга боғлиқ.

Лекин, ўтиш даврининг энг муҳим омили, бу кучли давлатни барпо этишдир. Бундай давлатсиз (бу эса жаҳондаги кўпгина мамлакатлар тажрибада тасдиқланган) мавжуд ижтимоий имкониятларни сафарбар этиш ҳам, ўрта ҳол синфни шакллантириш ҳам, халқаро муносабатларда муваффақиятларга эришиш ҳам мумкин эмас.

И. Каримов тараққиётнинг Ўзбекистон учун мақбул йўлини ишлаб чиқар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай мазмун касб этишига эътибор берди ва унинг фикрича, Узбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан ва у қандай номланишидан қатъи назар адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим эди.

Шунингдек, янгиланган жамиятда яшовчи кишининг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини кафолатловчи йўллар ҳам кўрсатиб берилди.

Иқтисодий соҳада эса бу:

-миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишни;

-ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;

-мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топдиришни;

-иқтисодиётни ўта марказлаштирмасдан корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни;

ижтимоий соҳада бу:

- инсонпарварлик ғояларига содикдикни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;
- маънавиятни қайта тиклашни;
-ўзбек тилини ривожлантиришни;
-ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топ-тиришни;
-ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари – кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлашни;
-одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилишни билдиради, деб таъкидланди «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» номли китобда.

Президент янгиланаётган жамият мазмун-моҳиятини кўрсатиш билан бирга долзарб вазифа қилиб, энг аввало бозор иқтисодига ўтиш масаласини қўйди. Фақат иқтисодий бақувват давлатгина кучли бўлади ва у ҳар қандайислоҳотларга қодир бўлади деган ғояни илгари сурди.

Шунинг учун ҳам И. Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида (1993 йил.) «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб тур-мушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, мил-лий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»,– деб қатъий кўрсатиб берган эди.

И. Каримов мамлакатнинг дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида қуйидаги бешта асосий қоидани ўртага ташлади:

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш керак.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиш лозим. У ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

Учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, яқин ўтмишимиздаги «инқилобий сакраш»ларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ана шу муҳим қоидалар Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинди, янги жамиятга ўтиш даврининг негизини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлади.

Ўзбекистон ҳукуматининг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги тамойили вақт ўтгани сайин ўзининг ҳаётий қийматини, сиёсий кучини кўрсатди. Бинобарин, булар етакчи тамойиллар сифатида тан олинди. Чунки улар иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ички мантиғини, ривожланиш йўли-ни ва характерини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши бир томондан, аввалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди, иккинчи томондан эса ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиб берди. Бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди. Аниқроғи, бу тамойил «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик» ҳақидаги халқнинг доно фикрига асосланганини кўрсатади.

Хусусан,жаҳон жамоатчилиги томонидан атрофлича ўрганилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга доир бешта тамойил аҳамиятига яна бир бор тўхталди. Ҳусусан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон учун нақадар афзалликларига алоҳида урғу берди. Жумладан, «бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин, - дейди И. Каримов. Хар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислоҳотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз.

Ҳозир биз кeракли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик.

Дастлабки якунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устивор йўналишларини белгилаш зарур». Шунинг учун И. Каримов ушбу китобнинг иккинчи қисмида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар – хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларини белгилаб берди.

Жумладан, унинг фикрича, мазкур масаланинг устивор йўналишлари қуйидагича бўлмоғи лозим эди:

биринчидан, иқтисодий сиёсатда деҳқончиликка, умумай қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараш;

иккинчидан, миллий валютани жорий қилиш, унинг қадрини муттасил ошириб бориш;

учинчидан, мулкчиликнинг барча шаклларига эрк бериш, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка йўл очиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, иқтисодни жонлаштириш учун корхоналарни хусусийлаштириш, бу жараённи тобора чуқурлаштириш;

бешинчидан, ўтиш маданияти ва қадриятларини тиклаш ишларини йўлга қўйиш ва бу борада изчил тадбирларни амалга ошириш мустақил Ўзбекистонда давлат мустақиллигини амалга оширишнинг жамият ривожининг ҳозирги босқичидаги устивор йўналишларидир.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ёш миллий мустақил давлатлар тараққиётига доир ҳам назарий, ҳам амалий йўналишлар, илмий қоидалар, йўл-йўриқлар Ўзбекистон мустақил ривожланиши давомида ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди, бошқа мустақил ривожланиш йўлига кирган давлат сиёсатдонлари эътиборини тортди. Австрияда «Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти» деб номланган теран таҳлил ва мазмунга эга китоб нашр қилинди.

Ушбу асарнинг муаллифлари доктор Левитин ва доктор Карлайл кўп йиллар Марказий Осиё республикаларида бўлган, минтақадаги сиёсий вазият ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ўз кўзи билан кўрган, минтақанинг ўзига хос жиҳатларини анча-мунча ўрганган кишилардир. Шунинг учун муаллифлар ўз асарларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасига юксак баҳо бердилар.

## 2. Маъруза. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси.

*Иқтисодий барқарорлаштириш ва юксалишга эришиш.*

Ўзбекистондаги амалга оширилган туб ислоҳотлар ҳар томонлама барқарорликни таъминлашга, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишга қаратилди. Мустақиллик йилларида мамлакат ҳукуматининг иқтисодий стратегияси асосан энг муҳим уч вазифани ҳал этишга йўналтирилди:

1. Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш;
10. Иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
11. Барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратиш.

Ўзбекистонда ислоҳотлар эндигина бошланган 1992 йилдаёқ Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар барқарорлик вазиятида ўтиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (1992) номли китобида ҳукумат сиёсати хусусийлаштириш ва рақобат вазиятини шакл-лантириш жараёнларини чуқурлаштиришга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, миллий валютани мустаҳкамлашга, иқтисодий тизимда чуқур таркибий ўзгартишларни амалга оши-ришга, кучли ижтимоий кафолатлар берадиган ҳуқуқий демокра-тик давлатни шакллантиришга қаратилган, деб ёзганди.

Шу боис мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг муҳим натижаси бу макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилгани бўлди. Бинобарин, бу жараён бозорни шакллантиришдаги муҳим жиҳатдир.

Ўзбекистонда макроиқтисодиётни барқарор қилиш борасида қатор амалий чоралар белгиланар экан, аввало бу борадаги жаҳон тажрибаси ўрганилди. Жумладан, ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилашда аввало устивор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириш, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаш (нефть – нефть мустақиллиги, энергетика – энергетика мустақиллиги, дон – ғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказолар) орқали иқтисоди-ётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат юритиши лозим эди.

Шуни рўй-рост айтиш керак, мустакиллик қўлга киритилган 1991 йил охирлари ва 1992 йилда Ўзбекистон зиммасига оғир ва жиддий синовлар тушди.

Шу давр мобайнида «давлат ва халқ ўз тақдирини, ўз мустақиллигини, ўз озодлигини ҳимоя қила олишга қодирми?» деган саволга жавоб беришга тўғри келди. Бунинг боиси шунда эдики, СССР парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган молиявий ва хом ашё заҳираларининг ниҳоятда тақчиллиги юз берди. Масалан, бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналар тўхтаб қолиш арафасида эди. Бунинг устига

аҳолининг моддий аҳволи яна ҳам пастлашиб кетди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турлари четдан олиб келиниши сабабли бир мунча кийинчиликларга дуч келинди.

Ўзбекистон ўзининг бутун куч-ғайрати ва ички имкониятларини сафарбар қилиб, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берди.

Чунки иқтисодиётни барқарорлаштиришда устивор ҳисобланган етакчи асосий тармоқлар белгалаб олиимаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса иқтисодий стратегия бой берилиши мумкин эди. Бу бутун мамлакат иқтисодиётини бутунлай янгидан бошлаш, ислоҳотлар пайтида узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаб туришнинг бош йўли, асосий тамойили бўлди.

Шу боис Ўзбекистон иқтисодиётида, аввало, таркибий ўзгаришлар юз берди. Республика иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, импортни қисқартириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек истиқболни белгилайдиган устивор тармоқларни жадал ривожлантириш, тармоқлар ичидаги номутаносибликка барҳам беришга эътибор қаратилди.

Натижада, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришдан воз кечиб, Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди.

Ислоҳотларнинг натижалари аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондирилишида, айрим турларини эса четга сота бошланганида намоён бўла бошлади.

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайиб кетишига йўл қўйилмади.

Ислоҳот йиллари давомида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ошди. Қилинаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, асосий озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари истеъмоли ҳажми қисқаришига йўл қўймасликка имкон берди. Республикада мураккаб маиший техниканинг кўп турлари, автомобил ва бошқа халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши натижасида кейинги йилларда аҳолининг узоқ истеъмолдаги саноат моллари билан таъминланганлиги ошди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши қуввати оғир саноатдан тортиб, енгил саноатгача бўлган индустриянинг барча тармоқлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишловчи йирик корхоналар вужудга келди.

Ўзбекистон енгил саноати ҳам кўп тармоқли бўлиб, у индустрлашган комплексҳисобланади.Шуни айтиш керакки, Марказий Осиё машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисми Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги пайтда дунёнинг фақат икки мамлакатидагина (АҚШ ва Ўзбекистон) пахтачилик машиналари ва ускуналари тўлиқ ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон – ипакчилик ва пиллакашлик техникаси ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги ягона давлатдир. Авиация техникаси ишлаб чиқариш бўйича МДҲдаги энг йирик корхоналарнинг бири Ўзбекистонда жойлашган. Ўзбекистон металлургияси деганда Марказий Осиёда қора ва рангли металлар назарда тутилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қурилиш комплекси ҳам муттасил ривожланмокда. Ҳозирги пайтда мамлакатда йилига юзлаб миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Биргина Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қуриб фойдаланишга топширилиши мамлакат иқтисодиётида катта ўринга эгалигини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида республикада транспорт ва алоқа ҳам замонавий талаблар асосида ташкил қилинди.

Шуни айтиш керакки, республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарисида ва ташқарига ташишни МДҲ, Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминловчи транспорт тизими шаклланди. Шу кунларда транспортнинг барча тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида «ТрансОсиё» магистралининг бир қисми ҳисобланган, Жанубий-Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган ва ТрансСибирь Магистралидан 1500 километр қисқа бўлган Тажан–Серахс–Машҳад янгийўли ишга туширилди.

Ўзбекистон Миллий Авиакомпанияси А-310, RJ-85, Американинг «Боинг» ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги самолётларга эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДҲнинг барча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Сингапур сингари мамлакатлари билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Ўзбекистонда ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси республика аҳолиси ва халқ хўжалиги эҳтиёжини тўлиқ қондириб келмоқда.

Айни чоқда Ўзбекистон ривожланган телекоммуникацияга эга бўлди. Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ янги институционал тизимлар вужудга келди. Жумладан, Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди. Божхона хизмати бутунлай янгидан тузилди.

Амалдаги тегишли бўлинмалар республика хукумати, вазирликлар, маҳкамалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, чет эллик сармоядорларнинг мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишини рағбатлантириш ва уларни ишончли кафолат билан таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий замин яратилди.

МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий интеграция чуқурлашди. Ўз навбатида иқтисодий жиҳатдан ривожланган узоқ хорижий мамлакатлар билан савдо ҳажми ва географияси бирмунча кенгайди. Узоқ хорижий мам-лакатларга анъанавий пахта толасидан ташқари электр манбалари чиқариш, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, шунингдек транспорт хизмати, сантехника ва бошқа хизматларни экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Импорт тизимида озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш камайиб, технология ва асбоб-ускуналар олиб келиш салмоғи ортди.

Мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Йилига 2,5 миллион тонна газ конденсатини қайта ишлаб чи-қаришга мўлжалланган ушбу заводнинг биринчи навбати лойиҳа ва технологик қисми қурилишларини Франциянинг «Текнип» фирмаси, умумзавод хўжалиги объектларини қуришни эса ма ҳаллий қурилиш ташкилотлари олиб бордилар.

Завод Қоровулбозор туманининг сув тошқинидан холи, темир йўлга яқин бўлган ва барча бошқа ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий талабларга жавоб берадиган қулай жойидан танланди. Унинг умумий майдони 205 гектарни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки мустақилликнинг энг оғир 1992, 1993 ва 1994 йиллари мамлакат аҳолиси учун қанчалик қийинчиликларни рўкач қилмасин, ҳукумат оғир вазиятдан чиқиш билан бирга стратегик мақсадлар билан ҳам яшади. У кундалик муаммоларни ҳал этиш, аҳолини кундалик эхтиёж моллари билан таъминлаш ва бошқа бир қатор талабларни амалга ошириш, энг оғир иқтисодий тангликдан ҳеч қандай ларзаларсиз ўтиб олиш чора-тадбирларни белгилаш билан бирга мам-лакат истиқболини ва халқ келажагини таъминлайдиган улкан мақсадларни ҳам амалга ошириш йўлидан борди. Асакадаги автомобиль заводи, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, бошқа вилоятларидаги юзлаб саноат корхоналари қурилишларига худди ана шу қийинчилик йилларида пойдевор қўйилди.

Ҳатто энг мушкул йилларда – яъни, ўтиш даврининг бошланишида ҳам Ўзбекистонда капитал сармояларнинг кескин тушиб кетиши кузатилмади, 1995 йилдан бошлаб эса инвестицияларнинг ўсиши яққол кўринмоқда. Мустақиллик йилларда иқтисодиётга сарф қилинаётган сармоялар ялпи ички маҳсулотнинг чорагидан купроғини ташкил қилди. Бу эса иқтисодиётнинг қатор асосий тармоқлари–ёнилғи, қазиб олувчи, енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут саноатини техник қайта жиҳозлаш ва янгилашни, янги йирик ишлаб чиқариш корхоналар – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, ЎзДЭУ, СамКочавто, Ҳозарасп шакар заводи ва бошқаларни қуришнигина эмас, балки республика учун мутлақо янги бўлган замонавий тармоқлар: автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология саноатини, радиоэлектроника, телекоммуникациялар соҳаси ва бошқаларни яратиш имконини берди;

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилар экан, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ҳам фойдаланилди. Жумладан, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш борасида қадамлар қўйилди. 1996 йил 25 апрелда Олий Мажлиснинг V сессиясида «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида экспорт таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Агар пахта толаси экспортнинг 50 фоизини ташкил қилган бўлса, йилдан-йилга унинг улуши камайди. Айни пайтда тайёр маҳсулотлар, машина ва ускуналар, хизматлар улуши ортди. Импорт таркибидаги худди шундай ўзгаришлар мустақил давлат иқтисодиётининг қад кўтариш жараёнини яхши акс эттиради. Агар илгари асосий импорт қилинадиган маҳсулотлар озиқ-овқат ва ёқилғи бўлса, ҳозирги пайтда озиқ-овқат импорти сезиларли қисқарди, ёқилғи импорти эса деярли умуман тўхтатилди. Мамлакат дон ва ёқилғи мустақиллигига эришди, ушбу стратегик товарларга бўлган эҳтиёж эндиликда унинг ўз ишлаб чиқариши ҳисобига қопланмоқда. Натижада бўшаган валюта маблағлари иқтисодиётни ривожлантиришга, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни барпо этишга, замонавий ускуна ва технологиялар сотиб олишга қаратилди. Шунга мувофиқ равишда, импорт таркибида машина ва ускуналар улуши ошди.

Республика макроиқтисодий барқарорликка биринчилардан бўлиб эришди.

Охирги йилларда ва 2011 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида, жумладан, бундай дейилади:

“Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда".

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000 — 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

2011 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, Давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

*Молиявий сиёсат ва бозор инфратузилмасининг ривожланиши.* Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган тадбирларнинг энг муҳими қатъий молия сиёсатини ўтказиш бўлди.

Ўзбекистоннинг 1991–1993 йиллардаги, яъни рубль зонасида бўлиб турган давридаги иқтисодий сиёсати ишлаб чиқаришнинг бутунлай инқирозга юз тутишига ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймасликка, савдо балансининг аҳволини яхшилашга, иқтисодий тизимини такомиллаштиришга қаратилди. Сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар-ни амалга оширишнинг икки хил табиатга эгалиги, яъни, бир томондан сиёсий мустақиллик, бошқа томондан ягона рубль зонасида, демак, ягона иқтисодий зонада турганлик ҳолати Ўзбекистон учун ўзига хос хусусиятга эга давр эди. Бу ўз навбатида пул-кредит сиёсатини белгилашда ҳам ўзига хос йўлни ишлаб чиқишни тақозо этарди.

Бу борадаги муҳим вазифа банклар фаолиятини, улар вазифаларини янги талаб ва эҳтиёжлар асосида ташкил қилмоқ эди. Мамлакатда икки поғонали самарали банк тизимини яратмасдан туриб Ўзбекистонда бозор муносабатларини юзага келтириб, унинг хўжалик механизмини, пул муомаласини қайта қуриб бўлмасди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, кейин унга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар банк соҳасини ислоҳ қилиш, бозор шарт-шароитларига мос келадиган банк муассасаларини ташкил этиш йўлларини белгилаб берди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, СССР Давлат Банкининг минтақавий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкига айлантирилиб, унга банкноталар эмиссияси, ҳукумат ҳисоб варакларига хизмат кўрсатиш, олтин-валюта заҳираларини сақлаш, банклар фаолиятини назорат қилиш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва бошқа вазифалар топширилди.

Ушбу Қонун республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичида қабул қилинган ва у ўша кунлар воқеалари талабларига жавоб берар эди.

Миллий валюта – сўмнинг жорий қилиниши ва молия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифалари унинг ҳуқуқий асосини янада ривожлантиришни, банклар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини бозор талабларига мувофиқ қатъий белгиловчи алоҳида қонун ишлаб чиқишни тақозо этган эди.

Шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклар тажрибаларини инобатга олиб ҳамда мустакил мамлакат пул-кредит сиёсатини бутунлай янгитдан изга солиш мақсадида Марказий Банк тўғрисида, банклар ва банклар фаолияти тўғрисида алоҳида Қонунлар ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келди.

1995 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида», «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида» алоҳида Қонунлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки томонидан юқори баҳоланди.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида ўтиш даврининг ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларини бартараф этишга мўлжалланган давлат бюджети 1993 йилдан иқтисодиётни структуравий қайта қуриш омилларидан бирига, макроиқтисодий мутаносибликларни бошқариш ва молиявий ресурсларни мамлакат иқтисодиётининг устивор йўналишларида жамлаш воситасига айланди.

Давлат бюджетидаги тақчилликнинг пасайиши кўп ҳолларда ўтиш давридаги энг барқарор даромад манбаи – билвосита солиқлар мавқеини ошириш эвазига таъминланди.

Структуравий қайта қуришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши имтиёзли солиқ ва кредит сиёсати юритишдаги ёрдамда ҳам, иқтисодиётнинг базавий тармоқларига тўғридан-тўғри маблағ ажратиш кўринишида ҳам амалга оширилди.

Ижтимоий харажатлар улуши умумий харажатларнинг 50 фоизи даражасида барқарорлашди, бу ҳол ижтимоий аҳамиятга молик тармоқлар ривожланишини ва аниқ мақсадга қаратилган ижтимоий тўловларни ошириш йўли билан аҳолининг муҳтож қатламлари ва гуруҳларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлади.

Иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бу пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш бўлди.

1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм муомалага киритилди. Шу кундан бошлаб республика ҳудудидаги ягона қонуний тўлов воситаси сифатида у барча турдаги тўловлар учун, шунингдек банкдаги ҳисоб варақаларига киритиш учун қабул қилиниши шарт бўлиб қолди. Миллий валюта қадрини ошириш учун катта ишлар қилинди.

Умуман, мамлакатда миллий валютанинг муомалага киритилиши иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг, корхоналар ва тармокдарнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланишининг, аҳолини ва мамлакат истеъмол бозорини муҳофаза қилишнинг муҳим омили бўлди.

Ўтиш даври иқтисодиётининг объектив шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кредитлар биринчи навбатда иқтисодиётнинг устивор тармоқларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, автомобиль заводи сингари халқ хўжалигининг улкан қурилишлари ва бошқалар молиявий маблағ билан таъминлаш учун муҳим манба бўлди.

Республика иқтисодиётида пул қадрсизланиши жараёнларини бартараф этиш, жами пул массаси тизилмасида корхоналар ва ташкилотлар депозитлари, аҳоли омонатларининг ўсиши учун шарт-шароит туғдирди. Тижорат банкларининг омонатлар ва депозитларни жалб этишдаги улуши ортиб борди. Бу эса банк тизимида рақобат муҳитининг шаклланаётганини ўзида акс эттиради.

Валютани бошқариш соҳасидаги фаолият миллий валютани муомалага киритиш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни изчил яратиб беришга қаратилди, валюта бошқаруви масалалари бўйича норматив база вужудга келтирилди.

1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистон валюта биржасида доимий савдолар ўтказилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чоралар ҳам муҳим роль ўйнади. Чунки солиқлар хазинани тўлдирувчи асосий манбадир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мамлакатда мавжуд солиқ тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилди.

Солиқ тизими бугунги кўринишига эга бўлгунигача маълум босқични босиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августидаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат Солиқ органлари ҳақида»ги Қарори мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Амалда шу қарор асосида Ўзбекистонда энг замонавий шаклда, бутунлай янги типдаги солиқ тизими юзага келди. 12 август «Солиқчилар куни» деб эълон қилинди ва у касб байрами сифатида нишонланадиган бўлинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ Бош Бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги Фармони солиқчилар ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

Хорижий мамлакатлар билан алоқаларнинг кенгайиб кетганлиги мазкур Бош Бошқарма хизмат доирасини кенгайтириб юборди. Натижада у яна 1997 йилдан бошлаб Давлат қўмитасига айлантирилди.

Шунга ўхшаш таркибий ўзгаришлар солиқчилар фаолиятини кенгай-тирди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида барча соҳалар қатори солиқ тизимига бўлган муносабатлар ҳам тубдан ўзгарди. У иккинчи даражали тизимдан бозор иқтисодиётини амалда тартибга солувчи муҳим восита ва давлат даромадларини вужудга келтирувчи бош манбаа даражасига кўтарилди. Мамлакатда солиқ тизимини яхшилаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар солиқ тўловчилар онгида туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Мулк шаклидан қатъи назар солиқ тўловчилар сони йилдан-йилга кўпайди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, жисмоний шахслар ҳам солиқ тўловчилар сафини тўлдириб борди. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари бўйича бир қатор ўзгаришлар бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда янги йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатлар тайёрланди. Ривожланган

давлатлар тажрибаси асосида фуқароларнинг йиллик даромадларини Декларация қилиш тартиби жорий қилинди. Ислоҳотлар амалга оширила боргач билвосита солиқлар ҳиссаси ҳам ўзгара борди.

Реал иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Реал секторнинг давлат миқёсидаги барқарор тараққиёти шароитида молиявий мувозанат таъминланди.

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш янгиланиш ва тараққиёт йўли бўйича муваффақиятли ҳаракат Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини фаоллашуви, унинг дунё хўжалик алоқаларига кенг кириб бориши билан узвий боғлиқ бўлди. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш билан валюта сиёсатини эркинлаштириш жуда жипс боғланганди.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Агар 2010 йилда мамлакатнинг 15 та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани, айниқса, эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар — юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятлари тобора ортиб бораётганининг далилидир.
Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди айтиш мумкин.
Банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати_иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.
Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур. 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

## 3. Маъруза. Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг шаклланиши.

ЎЗБЕКИСТОНнинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни

ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради.

Инсон салоҳияти ва меҳнат захираларини шакллантиришда ижтимоий-демографик вазият ҳал қилувчи роль ўйнайди.

ЎЗБЕКИСТОНнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у ҳали ҳам МДҲ мамлакатлари орасида юқори даражада эканлигини айтиш кифоя.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти - жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир.

Ижтимоий-иқтисодий маънода буларнинг ҳаммаси республиканинг меҳнат захиралари барқарор, интенсив равишда тўлдирилиб туришини, демакки, кўп меҳнат талаб қиладиган корхоналар ва ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш учун катта имкониятлар мавжудлигини англатади.

Республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади.

Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти - унинг ёш ва касб таркибидир. ЎЗБЕКИСТОН аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI асрда меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир. Ҳозир қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд.

ЎЗБЕКИСТОНдаги меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти - унинг таълим даражаси юқорилигидир. Республикада аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тўла ҳал қилинган. Саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади.

Меҳнат захираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси ҳам юқоридир. Республикада мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, ўрта касб-ҳунар ўқув юртлари ва тижорат мактабларининг кенг тармоғи орқали олиш мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тўрт кишининг биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Яъни ҳозир билим даражаси жиҳатидан республика ҳақли суратда ўқимишли мамлакатлар қаторига киради.

Бунга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳисобига эришилди. Ҳозирги вақтда республикада ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган.

Ёшларни жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика ўқув юртларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари анча мустаҳкамланди. Чет эллик ўқитувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машғулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл ўқув ва илмий марказларида ходимларнинг малака ошириши ва талабаларнинг ўқиши кенгайиб бормоқда.

Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфратузилмани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган. У ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида амалда қўлланмоқда.

Табиий захиралар чегараланганлиги туфайли корхоналар ҳамда умуман давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуғлари, чуқур илм талаб қиладиган технологиялар қанчалик кенг жорий этилаётганлиги, кадрларнинг касб тайёргарлиги даражаси билан белгиланади.

Тарихан ЎЗБЕКИСТОН Республикасида шаклланган интеллектуал салоҳият ўзининг ривожланиш даражаси жиҳатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган. Кўп жиҳатдан эса иқтисодий ривожланган мамлакатлардан қолишмайди.

ЎЗБЕКИСТОН инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуғларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади.

Ҳозир ЎЗБЕКИСТОН Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган моддий асосга, кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

ЎЗБЕКИСТОНда демографик вазиятнинг ўзига хослиги, инсон салоҳиятининг ривожланиши ижтимоий инфратузилмани, энг аввало, соғлиқни сақлаш ва аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни тегишли даражада ривожлантиришни ҳам талаб қилмоқда.

Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими яратилган. Бу умумий даволаш ва тор ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг турли усулларидан фойдаланиш имконини беради.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ва биринчи навбатда, электр, марказлаштирилган ҳолда сув, табиий газ билан таъминлаш тизими етарли ривожланган. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш учун республикада махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда республика уй-жой фондининг 73 фоиздан ортиғи марказлаштирилган сув билан, 64 фоиздан ортиғи табиий газ билан таъминланган, амалда барча аҳоли манзилгоҳлари электрлаштирилган.

Айни вақтда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини янада яхшилаш мақсадида, айниқса, Оролбўйининг экологик мураккаб ҳудудларида, умумий эпидемиологик вазиятни яхшилашга, юқумли касалликларни, болалар ўлимини камайтиришга, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун фақат давлатнинг кўплаб маблағлари сарфланибгина қолмай, балки кўпгина халқаро иқтисодий, гуманитар ташкилотлар ва фондларнинг маблағлари ҳам жалб этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНнинг жуда катта ютуғи шундаки, республика ривожланган энергетика, коммуникация ва сув тизимларига, ягона, бир-бирини тўлдирадиган темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғига эга.

ЎЗБЕКИСТОН энергетика тизимининг асосини йирик иссиқлик электростанциялари - Сирдарё ГРЭСи, Тошкент ГРЭСи, Янги Ангрен ГРЭСи, Навоий ГРЭСи ҳамда гидроэлектростанциялар ташкил этади. Уларнинг энг йириги Чорвоқ ГЭСидир.

ЎЗБЕКИСТОН ривожланган газ узатиш тизимига эга. Бу тизимнинг умумий узунлиги 12 минг километр бўлиб, МДҲ газ қувурлари бирлашган тизимига уланадиган тўққизта магистрал газ қувурини ўз ичига олади.

Ривожланган транспорт коммуникациялари тизими мавжудлиги ҳам ЎЗБЕКИСТОНнинг жўғрофий-стратегик мавқеини жозибадор қилувчи муҳим омилдир. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг транспорт тизими мамлакат ичида юк ташиш эҳтиёжларини амалда қаноатлантирмоқда.

Республикадаги темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғи Марказий Осиёда энг зич ҳисобланади. Темир йўллар узунлиги 7 минг километрдан зиёд бўлиб, кўпгина йўллар электрлаштирилган. Автомобиль йўлларининг 80 фоиздан ортиғи қаттиқ қопламали йўллардир. Бу йўлларнинг кўпчилиги халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлиб, улар такомиллаштирилган қопламага эга.

Темир йўл ва автомобиль транспорт коммуникациялари тармоғи республиканинг энг олис туманлари ва аҳоли манзилгоҳларини ўзаро пухта боғлаб туради, халқаро транспорт тизимларига уланишни таъминлайди. Шу билан бирга улар асосий табиий ва минерал-хом ашё захиралари манбаларига бемалол кириб боришни таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН халқаро авиация коммуникацияларини ривожлантириш жиҳатидан ҳам қулай ўринда жойлашган.

СССР парчаланиб кетганидан кейин ташқи коммуникациялар муаммоси ЎЗБЕКИСТОН учун янада кескинлашди. Чунки энди денгиз бандаргоҳларига чиқиш учун бир неча мамлакатларнинг ҳудуди орқали ўтишга тўғри келмоқда. ЎЗБЕКИСТОН денгиз бандаргоҳларидан энг узоқда жойлашган мамлакат бўлиб қолди. Энг қисқа йўл қарийб 3 минг километрни ташкил этади. Бу эса ниҳоятда олис йўлдир. Табиийки, бу ҳол давлатнинг иқтисодий алоқаларини кенг ривожлантириш имкониятларини чегаралаб қўяди.

Ҳозирги вақтда транспорт ва коммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича бир неча ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Республикада етакчи чет эл компаниялари иштирокида телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этилмоқда.

Давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида вужудга келтирилган ва жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ижтимоий инфратузилма ҳамда транспорт тармоқлари ва телекоммуникациялар тизими республикада инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилмоқда.




Тараққиёт назариялари
Назариялар
Тараққиёт мақсадлари
Фалсафий
Эркинлик ва демократия
Ижтимоий
Таълим, мудофаа, соғлиқни сақлаш, ҳаёт даражасининг ўсиши
Иқтисодий
Иқтисодий ва ҳаёт даражасининг ўсиши
Технократик
Технологик ютуқлар кўрсатгичи
Институционал
Ижтимоий ва иқтисодий омиллар гормонизацияси


Тараққиётнинг бир текис эмаслиги омиллари
Ички омиллар
Ташқи омиллар
Иқтисодий-маданий
Мамлакат майдони
Ресурс салоҳияти
Аҳолининг сони ва тузилиши
Институционал
Давлат сиёсатининг мақсади
Давлат сиёсатининг воситалари
Ташқи савдо
Халқаро бозорга йўл
Чет эл инвестицияларига йўл
Технологияга йўл

## Шуролар даври таълим тизими







## Хозирги давр тахлим тизими



**Мустақил таълим мавзулари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари сифатида.
2. Ўтиш даври тушунчасининг назарий концептуал асослари. “Ўзбек модели”.
3. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, унинг босқичлари.
4. Иқтисодий ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари.
5. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.
6. Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги назарий концептуал масалалар.
8. Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари.
9. Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.
10. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг назарий концептуал асослари.

**Ассисмент топшириқлари**

1. Өзбекистанда алып барылған реформалардың теориялық концептуаль мәселелери бойынша әдебиятлар ҳәм тарийхый дереклер талқыны
2. Өзбекистан Республикасы Президенти И.А.Каримов шығармалары Өзбекистанда алып барылған реформалардың теориялық концептуаль негизи сыпатында
3. Раўажланыўдың «өзбек модели»: мазмуны, максети, нәтийжелери
4. Өзбекистанда өткерилип атырған экономикалық реформалардың басқышларына талқын
5. Өзбекистанда экономикалық реформалардың принциплери
6. Раўажланыўдың «өзбек модели» принциплерине талқын
7. Өзбекистанда 1991-жылға келип пайда болған экономикалық жағдайларды талқын етиў
8. Өзбекистанда жаңаланыўдын ҳәм прогресстиң өз жолын бағдарлаўшы жағдайлар
9. Пуқаралық жәмийеттиң негизлерин қәлиплестириўдиң тийкарғы бағдарлары (жети артықмашлық берилген бағдарлар)
10. Экономикалық реформалардың үстин бағдарлары ҳәм принциплери
11. Мәмлекетти модернизациялаў, күшли пуқаралық жәмийет қурыўдың тийкарғы бағдарлары
12. Елимизде демократиялық реформаларды буннан былай тереңлестириў ҳәм пухаралық жәмийет қәлиплестириў концепциясы (2010)
13. Экономикалық реформалардың материаллық-теникалық базасының жаратылыўы.
14. Өзбекистан экономикалық тараўда тез раўажланып атырған мәмлекетлер қатарында
15. Өзбекистанда социаллық, мәдений-руўхый тараялардағы әмелге асырылып атырған реформалар.
16. Социаллық тараўдағы реформалар ҳәм оның басқышлары.

17. Руўхыйлықты жетилистириў мәселелери.
18. Өзбекистан Республикасы Президенти И.А.Каримовтың “Жоқары мәнәуият – жеңилмес күш” шығармасында теориялық концептуаль мәселелер
19. Өзбекистан билимлендириў системасында реформалардың теориялық негизлери ҳәм әмелий нәтийжелери.
20. Өзбекистанда илим, дене тәрбиясы ҳәм спорттың раўажланыўы. Оның теориялық негизлери ҳәм әмелий нәтийжелери
21. Өзбекистан сыртқы сиясатының теориялық концептуаль негизлери.
22. Өзбекистанда алып барылып атырған реформалардың теориялық негизи болған “өзбек модели”ниң жәҳән шериклигинде тән алыныўы
23. Қарақалпақстан Республикасында ғәрезсизлик дәўиринде алып барылған сиясий-ҳуқуқый реформалар
24. Президент И.А.Каримов шығармаларында Қарақалпақстан Республикасының айрықшалығын атап өтиў
25. Суверенли Қарақалпақстанның ғәрезсизлик дәўиринде жетискенликлери

**ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

| № | Тест топшириғи | Тўғри жавоб | Муқобил жавоб | Муқобил жавоб | Муқобил жавоб |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун” қачон қабул қилинди? | 1991 йил 31 августда | 1990 йил 1 августда | 1992 йил 25 августда | 1993 йил 30 августда |
| 2 | 1991 йилнинг 15 февралида Ўзбекистон Олий Кенгаши қандай махсус қарорни қабул қилди? | Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида | Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тўғрисида | Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиришларни киритиш тўғрисида | Ўзбек тилини ривожлантириш тўғрисида |
| 3 | Муқобиллик асосда биринчи бор Ўзбекистон | 1991 йил 29 декабр | 1990 йил 1 июл | 1991 йил 10 август | 1992 йил 4 январ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Республикасининг Президенти умумхалқ сайловлари қачон ўтказилди? | | | | |
| 4 | Президентимизнинг 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқи қандай номланади? | Истиқлол йўллари ва муаммолари | Ўзбекистон XXI аср бўсағасида | Бунёдкорлик йўлидан | Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби |
| 5 | И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асари қачон нашр этилди? | 1992 йил | 1990 йил | 1991 йил | 1993 йил |
| 6 | 1994 йил 1 июлда қандай воқеа рўй берди? | Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм муомалага киритилди | “ЎзДЭУ авто” корхонаси ишга тушди | Давлат Солиқ Қўмитаси ташкил этилди | Мустақиллик декларацияси қабул қилинди |
| 7 | И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” қачон нашр этилди? | 1992 йил | 1995 йил | 1997 йил | 2001 йил |
| 8 | Нечанши йилдан бошлаб Руза-Хайтни Узбекистон Республикасида белгилай бошлади? | 1992 | 1989 | 1990 | 1991 |
| 9 | Узбекистон Республикаси качон БМШ га аьзо булди | 1992 2-март | 1992 26-март | 1992 4-декабрь | 1993 14-декабрь |
| | Узбекистон Республикасида "Маньавият ва марифат маркази" качон ташкил этилди? | 1994-й.23-апрель | 1994-й 1-декабрь | 1996-й. 9-сентябрь | 1998-й. 24-июль |
| 10 | Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташланган дастлабки қадами қайси воқеадан бошланади? | 1989 йил 21 октябрда Узбекистон ССРнинг давлат тили хақида»ги Қонунининг қабул қилишдан | 1990 йил 24 мартда бошқарувда Президентлик лавозимининг тэсис етилишидан | 1990 йил 20 июнда “Мустақиллик Декаларацияс ини” қабул қилишдан | 1991 йил 31 август «Ўзбекистрон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» ги Қонунни қабул |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | қилишдан |
| 11 | Ўзбекистонда Президентлик бошқарув тизимига қачон ўтилди? | 1990 йил 24 мартда | 1989 йил 23 июнда | 1991 йил 2 июлда | 1991 йил 29 декабрда |
| 12 | Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик Декларацияси» қачон қабул қилинди? | 1990 йил 20 июнда | 1989 йил 21 октябрда | 1991 йил 31 августда | 1992 8 декабрда |
| 13 | Ўзбекистон икки палатали парламентни тузиш масаласи қачон ва қаерда халқимиз томонидан мэқулланди? | 2002 йил 27 январ куни ўтказилган умумхалқ референдумида | Олий Мажлисининг 2000 йил ойидаги иккинчи сессиясида | Республика Президентининг 2001 йил 5 январдаги фармойишида | 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Конституциявий қонунда |
| 14 | Мустақил Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қайси йул билан ўтмоқда? | Эволюцион йул билан | Тазйиқ йули билан | Туркия модели асосида | «Шок терапияси» йули билан |
| 15 | 1991 йил 31 августда Узбекистон Олий Кенгашининг VI сессиясида кайси хужжатлар кабул килинган? | «Узбекистон Республикасининг давлат мустакиллиги асослари хакидаги» конун | Узбекистоннинг суверенитети хакида Декларация | «Узбекистон Республикасининг Давлат Мустакиллигини эълон килиш тугрисида» карори | «Давлат тили хакидаги» конун |
| 16 | Ўзбекистонда қонунларни ишлаб чиқадиган ҳуқуқий орган қайси қаторда тўғри акс эттирилган? | Олий Мажлиснинг қуйи палатаси | Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенат | Вазирлар Маҳкамаси | Вазирликлар |
| 17 | Қайси партиялар функцияларини бирлаштирган Демократик блок шакланди? | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларини | Бундай блок шакллантирилмаган | “Адолат” социал-демократик партияси ва Халқ депутатлари партияси фракцияларини | “Миллий тикланиш” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларини |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 18 | Мамлакатимизда нечанчи санадан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган? | 2008 йил 1 январдан | 2009 йил 10 январдан | 2009 йил 10 январдан | Қонун лойиҳаси тайёрланган, аммо ҳали қабул қилинмаган |
| 19 | Президентимиз томонидан мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган марраларга эришиш учун | Иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш кераклиги таъкидланди | Суд-хуқуқ тизимини профессонал даражада йўлга қуйиш керакли уқтирилди | Олий Мажлиснинг қуйи палатаси депутатларин инг ижтимоий фаоллигини ошириш кераклиги таъкидланди | Якка партиявийлик ақидасини илгари сурган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенатирларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди |
| 20 | Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича қандай чоралар амалга оширилиши лозим? | Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш | Кооперация алоқаларини кенгайтириш | Мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш | Барча жавоблар тўғри |
| 21 | Бозор муносабатларинг асоси аввал кайси давлатта бошланди? | Англияда | Америкада | Францияда | Германияда |
| 22 | Бозор иктисодиёти хакида фикрлар качон пайдо булди? | 200 йил аввал | 250 йил аввал | 300 йил аввал | 400 йил аввал |
| 23 | Ўзбекистон икки палатали парламентни тузиш масаласи қачон ва қаерда халқимиз томонидан мақулланди? | 2002 йил 27 январ куни ўтказилган умумхалқ референдумида | Олий Мажлисининг 2000 йил ойидаги иккинчи сессиясида | Республика Президентининг 2001 йил 5 январдаги фармойишида | 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Конституциявий қонунда |
| 24 | Ўзбекистонда | 1990 йил 24 | 1989 йил 23 | 1991 йил 2 | 1991 йил 29 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Президентлик бошқарув тизимига қачон ўтилди? | мартда | июнда | июлда | декабрда |
| 25 | “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун” қачон қабул қилинди? | 1991 йил 31 августда | 1990 йил 1 августда | 1992 йил 25 августда | 1993 йил 30 августда |
| 26 | Коракалпогистон качон суверен Республика деп эьлон килинди | 1990й 14декабрь | 1990й 21июнь | 1990й 24сентябрь | 1990й 1сентябрь |
| 27 | Узбекистон неча давлат билан чегародош? | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 28 | Узбекистоннинг жойлашган ер мойдонин курсатинг | 447,4 кв км | 166,5 кв км | 169,7 кв км | 449,8 кв км |
| 29 | Качон Кораколпакстан АССРы Узбекистон курамига кушилди? | 1936 | 1924 | 1930 | 1932 |
| 30 | Кораколпакстан Республикасининг Конституцияси качон кабул килинди? | 1993 9-апр | 1992 14-дек | 1990 14-дек | 1993 4-дек |
| 31 | Узбекистон Республикаси качон БМШ га аьзо булди? | 1992 2-март | 1992 26-март | 1992 4-декабрь | 1993 14-декабрь |
| 32 | Узбекистон Республикасида "Маньавият ва марифат маркази" качон ташкил этилди? | 1996-й. 9-сентябрь | 1994-й 1-декабрь | 1994-й.23-апрель | 1998-й. 24-июль |
| 33 | Узбекистон Республикасида миллий валюта - сум качондан бошлаб муомилага киритилди? | 1994 й. 1 июль | 1993 й. 5 май | 1994 й. 10 июнь | 1995 й. 1 декабрь |
| 34 | Узбекистон халк демократиялик партияси качон ташкил этилди? | 1991-йили, 1-ноябрьда | 1991-йили, 20-мартда | 1992-йили, 20-мартда | 1992- йили, 20-майда |
| 35 | Узбекистон Республикасининг давлат тили хакидаги конун качон кабул | 1989 йил 21 октябрь | 1988 йил 21 октябрь | 1989 йил 21 декабрь | 1990 йил 21 октябрь |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | килинди? | | | | |
| 36 | Узбекистон Республикасида Низом чикарувчи хокимиет кайси? | Олий мажлис | Конституцияв ий суд | Вазирлар махкамаси | Хужалик суди |
| 37 | «Миллий мафкура - миллатни бирлаштирувчи байроқдир», деган фикр кимга тегишли? | И.А.Каримов | Ф.Хўжаев | М.Беҳбудий | А.Фитрат |
| 38 | Ўзбекистон давлат мустақиллигининг асослари, қоидалари, шартлари ва талабларини ўз ичига олган дастлабки ҳужжат қайси? | Мустақиллик Декларацияси | Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун | Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ни эълон қилиш тўғрисидаши Олий Кенгаш қарори | Ўзбекистон Республикаси Конституцияси |
| 39 | “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги Қонун қачон қабул қилинган? | 1991 йил 31 августда | 1990 йил 27 августда | 1991 йил 1 сентябрь | 1991 йил 10 декабрь |
| 40 | Президент И.Каримов бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришнинг асосий беш тамойилини қайси асарида баён этган? | «Ўзбекистонни нг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» | «Ўз келажагимизн и ўз қўлимиз билан қурамиз». | «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» | «Ўзбекистон – бозор муносабатлариг а ўтишнинг ўзига хос йўли». |
| 41 | Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг асосий манбаи нима? | Халқ | Давлат | Қонунлар | Олий Мажлис |
| 42 | Ўзбекистон давлатнинг бошқариш шакли қандай? | Президентлик | Республика | Монархия | Демократик |
| 43 | Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органи қайси? | Вазирлар Маҳкамаси | Олий Мажлис | Суд органи | Тўғри жавоб йўқ |
| 44 | Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутати бўлиши мумкинми? | Йўқ, мумкин эмас. | Президенти эгаллаб турган лавозими бўйича депутат ёки | Халқ депутати этиб сайланади, сўнг Олий Мажлис палаталари | Мумкин |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Сенатор ҳисобланади. | йиғилишида қатнашади. | |
| 45 | Маҳалла Оқсақоллари ва фуқаролик йиғини раислари қанча муддатга сайланади? | икки ярим йилга | уч йилга | икки йилга | бир йилга |
| 46 | Президент этиб сайланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайлов олдидан унинг ҳудудида неча йил муҳим яшаган бўлиши керак? | 10 йил | 3 йил | 5 йил | 6 йил |
| 47 | “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун” қачон қабул қилинди? | 1991 йил 31 августда | 1990 йил 1 августда | 1992 йил 25 августда | 1993 йил 30 августда |
| 48 | 1991 йилнинг 15 февралида Ўзбекистон Олий Кенгаши қандай махсус қарорни қабул қилди? | Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида | Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тўғрисида | Ўзбекистон Конституцияси ўзгартиришларни киритиш тўғрисида | Ўзбек тилини ривожлантириш тўғрисида |
| 49 | Муқобиллик асосда биринчи бор Ўзбекистон Республикасининг Президенти умумхалқ сайловлари қачон ўтказилди? | 1991 йил 29 декабр | 1990 йил 1 июл | 1991 йил 10 август | 1992 йил 4 январ |
| 50 | 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқи қандай номланади? | Истиқлол йўллари ва муаммолари | Ўзбекистон XXI аср бўсағасида | Бунёдкорлик йўлидан | Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби |
| 51 | И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асари қачон нашр этилди? | 1992 йил | 1990 йил | 1991 йил | 1993 йил |
| 52 | Ўзбекистонда 1996 йилда санат ишлаб чиқариш даражаси | 106 | 89 | 97 | 110 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1990 йилга нисбатан неча фоизли ташкил қилди? | | | | |
| 53 | "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки", "Банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунлар" қачон қабул қилинди? | 1995 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1996 йил |
| 54 | 1994 йил 1 июлда қандай воқеа рўй берди? | Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм муомалага киритилди | "ЎзДЭУ авто" корхонаси ишга тушди | Давлат Солиқ Қўмитаси ташкил этилди | Мустақиллик декларацияси қабул қилинди |
| 55 | Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси қачон таъсис қилинди? | 1992 йил февралда | 1993 йил июнида | 1997 йил мартида | 2000 йил январида |
| 56 | "Тошкент" товар-фонд биржаси қачон тузилди? | 1991 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил |
| 57 | 1996 йилнинг 19 июлида қандай қўшма корхона ишга тушди? | "ЎзДЭУ авто" | "ЎзСаламан" | "Зарафшан-Ньюмонт" | "Сам Коч авто" |
| 58 | Меҳнат ҳақи миқдорининг ягона тариф сеткаси қачон жорий этилди? | 1993 йил | 1990 йил | 1992 йил | 1999 |
| 59 | 2007 йил 24 августда қайси йўналиш бўйича темир йўли тантанали очилди? | Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон | Қувасой-Янгийўл-Андижон | Тошкент-Қизилқум-Қўнғирот | Чиноз-Гулистон-Янгиер |
| 60 | Республика байналмилал маданий марказнинг 15 йиллиги қачон нишонланди? | 2007 йил | 1997 йил | 2001 йил | 2010 йил |
| 61 | Қайси шаҳарнинг 2700 йиллиги 2006 йилда тантанали нишонланди? | Қарши | Андижон | Наманган | Хива |
| 62 | Ўзбекистон Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши Академияси қачон | 1995 йил | 1991 йил | 1993 йил | 2001 йил |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ташкил қилинди? | | | | |
| 63 | “Катекс” ва “Элтекс” тўқимачилик мажмуалари қаерда ташкил қилинди? | Қорақалпоғистон Республикасида | Тошкент вилоятида | Навоий вилоятида | Самарканд шаҳрида |
| 64 | Нукусда Орол муаммосига бағишланган халқаро илмий конференция қачон бўлиб ўтди? | 1992 йил | 1998 йил | 2001 йил | 2005 йил |
| 65 | 1996 йилда декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ташкил этилган жамғарма қандай номланди? | “Нуроний” | “Мерос” | “Устоз” | “Маданият” |
| 66 | Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қачон ташкил қилинди? | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил |
| 67 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йилда қандай қонунни қабул қилди? | Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида |Ноширлик фаолияти тўғрисида | Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида | Чет эл сармоялари тўғрисида |
| 68 | Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қандай номланади? | Омбудсман | Депутат | Сенатор | Волонтер |
| 69 | Ўзбекистон Республикаси “Байналмилал маданият” Маркази қачон ташкил этилди? | 1992й | 1991 й | 1995й | 2000й |
| 70 | “Сам Коч авто” қўшма корхонаси қайси давлат ҳамкорлигида ташкил этилганди? | Туркия | Корея | Малайзия | Сингапур |
| 71 | 1992 йил 3 июлда қабул қилинган қонун қандай номланди? | “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” | “Лизингни ташкил этиш тўғрисида” | “Фермерлар тўғрисида” | “Қишлоқдаги ислоҳотлар тўғрисида” |
| 72 | Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”-ги қонуни қачон қабул қилинди? | 1996 йил | 1992 йил | 1994 йил | 1998 йил |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 73 | И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” қачон нашр этилди? | 1992 йил | 1995 йил | 1997 йил | 2001 йил |
| 74 | “Буюк Ипак йўлини, Маданий Сайёҳликни қайта тиклаш ва Ўзбекистонда Қадимги Меросни Тиклаш” бўйича халқаро конференция қайси шаҳарда бўлиб ўтди? | Бухорода | Тошкентда | Самарқандда | Хивада |
| 75 | “Европа-Кавказ-Осиё” транспорт йўлаги қандай номланади? | ТРАСЕКА | ТЕМПУС | ТАСИС | ТРАНЗИТ |
| 76 | “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми” тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинди? | 1996 йил | 1994 йил | 1998 йил | 2000 йил |
| 77 | Ўзбекистонда қонунларни ишлаб чиқадиган ҳуқуқий орган қайси қаторда тўғри акс эттирилган? | Олий Мажлиснинг қуйи палатаси | Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлмиш Сенат | Вазирлар Маҳкамаси | Вазирликлар |
| 78 | Мамлакатимизда нечанчи санадан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган? | 2008 йил 1 январдан | 2010 йил 1 мартдан | 2009 йил 10 январдан | Қонун лойиҳаси тайёрланган, аммо ҳали қабул қилинмаган |
| 79 | Инқирозга қарши чоралар давлат дастуридан кўзланган асосий мақсад | Ўзбекистонни инқироздан олиб чиқиш | Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш; | Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ни қўллаб-қувватлаш; | Молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ижтимоий қўллаб-кувватлаш |
| 80 | Қайси вилоятда эркин индустриал-иқтисодй зона ташкил этилди? | Навоий | Тошкент; | Бухоро | Самарқанд |
| 81 | Янги индустриал давлатларнинг иқтисодий ўсишининг сабаблари | Янги технологиялардан фойдаланиш | Оғир саноатни ривожлантириш; | Иқтисодиётда йирик монополияларнинг мавжудлиги | Япон капиталининг таъсири |
| 82 | Узбекистон республикасининг ички ва ташки сиёсатининг асосий йуналишини белгилаш ва стратегиялик дастурларини кандай хокимиет кабул килади? | Олий Мажилис | Вазирлар махкамаси | ташки ишлар вазирлиги | Финанс вазирлиги |
| 83 | Ватанимизда Ислом дини пешволарининг кайси бирининг 920 йиллик юбилейи нишонланди? | Махмуд аз-Замахшарий | Абу Иса ат-Термизий | Нажмиддин Кубро | Бахауаддин Накшбанд |
| 84 | Ёшларнинг чет элларда таьлим олишини куллаб куватловчи Узбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамгармаси качон ташкил килинди? | 1997-йили, 13-январьда | 1996-йили, 15-январьда | 1996-йили, 26-августда | 1995-йили, 13-январьда |
| 85 | Республикамизда «Мехнат шухрати» ордени качон ташкил этилди? | 1995-йили, 30-августда | 1994-йили, 30-августда | 1993-йили 30-августда | 1995-йили, 5-майда |
| 86 | Узбекистон халк демократиялик партияси качон ташкил этилди? | 1991-йили, 1-ноябрьда | 1992- йили, 20-майда | 1992-йили, 20-мартда | 1991-йили, 20-мартда |
| 87 | Узбекистонда президент фармонларининг ва карорларининг амалга ошириличини таьминловчи | Узбекистон Республикасининг Вазирлар махкамаси | Узбекистон Республикаси Олий Суди | Узбекистон Республикаси конституцияв ий суди | Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ташкилотни оникланг | | | | |
| 88 | 1998-йил Президентимиз тарафидан кандай йил деб элон килинди? | оила йили | Инсон хукуклари йили | ешлар йили | аёл-кизлар йили |
| 89 | Узбекистон Республикасида "Маньавият ва марифат маркази" качон ташкил этилди? | 1994-й.23-апрель | 1994-й 1-декабрь | 1996-й. 9-сентябрь | 1998-й. 24-июль |
| 90 | Узбек халкининг этник шаклланишини биринши боскичидаги нечанчи асрларга тугри келади? | 9-12 асрларга | 3-4 асрларга | 4-5 асрларга | 6-7 асрларга |
| 91 | Нукус давлат педагогика институтига куйидаги алломалардан кайси бирининг номига мансуб? | Ажиниёз | Бердах | Аллаяр Досназаров | Чаржау Абдиров |
| 92 | Узбекистон Республикаси качон БМШ га аьзо булди? | 1992 2-март | 1992 26-март | 1992 4-декабрь | 1993 14-декабрь |
| 93 | Кораколпакстан Республикасининг бойроги качон кабул килинди? | 1992 14-дек | 1993 9-апр | 1993 4-дек | 1990 14-дек |
| 94 | Кораколпакстан Республикасининг Конституцияси качон кабул килинди? | 1993 9-апр | 1992 14-дек | 1993 4-дек | 1990 14-дек |
| 95 | Кораколпакстан Республикасининг герби качон кабул килинди? | 1993 9-апр | 1992 14-дек | 1993 4-дек | 1990 14-дек |
| 96 | Кораколпакстан Республикасининг гимни качон кабул килинди? | 1993 4-дек | 1990 14-дек | 1992 14-дек | 1993 9-апр |
| 97 | Кораколпакстанда суд хужжатлари кайси тилда алып борилади? | Узбек ва Коракалпок | Коракалпок | узбек | Узбек ва рус |
| 98 | Нечанши йилдан бошлаб Руза-Хайтни | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Узбекистон Республикасида белгилай бошлади? | | | | |
| 99 | Узбекистоннинг ер мойдонин курсатинг | 447,4 кв км | 166,5 кв км | 169,7 кв км | 449,8 кв км |
| 100 | Узбекистон неча давлат билан чегародош? | 5 | 6 | 7 | 8 |

**Битирув ишлари учун мавзулар**

1. Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида (1989-1991 йиллар).
2. Ўзбекистон мустақиллигнинг қўлга киритилиши (1991 йил 31 август – 1992 йил 8 декабрь).
3. Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маънавий ва маданий ривожланиш, ташқи сиёсат (1992 йил – 2015 йил).
4. Ислом Каримов янги генерацияга мансуб сиёсий етакчи
5. Президент Ислом Абдуганиевич Каримовнинг "Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари" асари ва унинг асосий мазмуни
6. Президент Ислом Каримов асарларида, маъруза ва нутқларида демократик жамият қуришнинг назарий-амалий асосларининг ишлаб чикилишига оид концептуал фикрлар
7. Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларациянинг қабул қилиниши ва унинг тарихий сиёсий аҳамияти
8. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг устувор йўналишлари
9. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий маънавий тикланиш концепцияси
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи

12. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил қилиниши ва унинг жамиятни демократлаштириш жараёнидаги ўрни
13. Мустақил Ўзбекистон давлати таркибидаги суверен Қорақалпоғистон
14. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни енгиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Қонуни ва кадрлар таёрлаш Миллий дастури.
16. Мустақиллик йилларида илм фан соҳасидаги ютуқлар.
17. Мустақиллик йилларида миллий қадриятлар, анъаналар ва урф одатларнинг тикланиши.
18. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спортни, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш бўйича амалга оширилган тадбирлар.
19. Президент Ислом Каримов асарларида диний муаммолар, конфессиялар аро муносабатлар ва диний бағрикенглик масалалари.
20. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши.
21. Кадрлар таёрлаш миллий дастури ва уни амалга ошириш боскичлари.
22. Орол денгизи муаммосини хал этишда халкаро ташкилотлар билан хамкорлик ва уларнинг натижалари.
23. Узбекистон тарихи масалаларининг Президент И.Каримов асарларида ёритилиши
24. Президент И.А.Каримовнинг «УзРФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тугрисидаги карори ва тарих фани олдига куйилган вазифалар
25. Президент И.А.Каримовнинг «Узбекистоннинг энг янги тарихи буйича Жамоатчилик кенгашини ташкил килиш тугрисида ПК-1694-сонли карори ва унинг Узбекистоннинг энг янги тарихини ривожлантиришдаги урни

26. Президент Ислом Каримов асарлари – миллий гоя ва мафкуранинг илмий услубий асоси
27. Узбекистон хукумати томонидан амалга оширилаетган кучли ижтимоий сиесатнинг хусусиетлари ва устувор йуналишлари
28. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Узбекистон мустакилликка эришиш останасида» асарининг мазмун мохиати
29. Узлуксиз таълимни ривожлантириш омиллари ва истикболлари
30. Узбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш масалалари.
31. Кучли давлатдан кучли жамият сари концепцияси
32. Узбекистон Президенти И.Каримовнинг «Оллох калбимизда, юрагимизда» асарининг мазмун-мохияти
